



ПОСТГА

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2004 йил 13 май, пайшанба • 20 (3548)-сон



9 МАЙ куни пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонидаги “Мотамсаро она” ҳайкали пойи анвойи гулларга тўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов, ҳукумат раҳбарлари, вазирлар, таниқли санъат ва адабиёт намояндалари, фахрийлар ҳамда кенг жамоатчилик хотира майдонини зиёрат қилиб, ўтганлар хотирасини ёд этишди.

Ушбу тантанада Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов бошчилигидаги ички ишлар идоралари вакиллари ҳам иштирок этдилар ва Ватанимиз тинчлиги, осойишталиги йўлида қурбон бўлган аجدодларимизга, мард, жасур ҳамкасбларимизга ҳурмат бажо келтирдилар.



МУБОРАК АЙЁМ ТАНТАНАЛАРИ

ЎТГАНЛАРНИ хотирлаш, биз, тириклар учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Ушбу анъанага амал қилиб, ИИВ раҳбарияти ва фахрийлар пойтахтимиздаги “Чигатой” қабристонини зиёрат қилишди. Марҳум касбдошларининг ҳақларига қуръон тиловат қилиб, қабрларига гуллар қўйишди.

ШУ КУНИ Ички ишлар вазири раҳбарлиги “ЖАР” спорт-соғломлаштириш мажмуасида фахрийлар учун байрам кечаси уюштирилди. Тадбирни Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Ражаб Қодиров кириш сўзи билан очди ва уларнинг амалга оширган ишлари, хизматга фидойиликлари ёш ходимларга ўрнак, мактаб бўлаётганлигини таъкидлаб, энг эзгу тилаklarини билдирди.

ИИВ ШТБИХ бошлигининг ўринбосари, милиция подполковниги Н. Расулов Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматовнинг байрам табригини ўқиб эшиттирди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги қарорига биноан фахрийларга пул мукофотлари ҳамда Ички ишлар вазири раҳбарлигининг эсдалик совғалари топширилди.

ИИВ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиром учун раҳбариятга миннатдорчилик изҳор этди. Бундан кейин ҳам фахрийлар ёш авлодни Ватанга, хизматга, бурчга садоқат руҳида тарбиялашда фаол иштирок этажакларини билдирди.

Халқимизнинг сеvimли хонандалари ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар тадбирга байрамона кайфият бағишлади.

Суратларда: тадбирлардан лавҳалар.

А. КЕНЖАЕВ олган сурат.



Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

Ҳақиқат тиканли гулга ўхшайди, ҳидлашни билмаганларнинг бурнига санчилади.

U'CHINCHI «Постга» gazetasing ilovasi
TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV, HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD, SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI, HAYRATOMUZ VOQEALAR, SALOMATLIK SABOQLARI SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

TV O'LAM

УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

3

МАРДОНА ҲАЁТ –



АБАДИЙДИР

4

НОДИРБЕКНИНГ ОМАДИ



12

СОЙ ИЧИДАГИ СИР

«Назар ота тонгда бедана овлашни хуш кўради. Айниқса, сойнинг нариги томонидаги бедаяда сайраётган беданалар унинг ақлини ўғирлади...»

«АХИР, МЎЪЖИЗА-КУ АЁЛНИНГ ЎЗИ!»



16

Шунингдек, газетамиз саҳифаларида кроссвордлар, спорт хабарлари, криминал воқеалар ва бошқа материаллар билан танишасиз.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов нишонланаётган байрам ҳар томонлама катта аҳамиятга эга экан-

лиги ҳақида тўхталиб, ёш осойишталик посбонларини Ватанинг муносиб фарзанди этиб тарбиялашда ички ишлар идоралари фахрийларининг хизматлари бекиёслигини, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, шонли анъаналарини давом эттириш, тўплаган бой тажрибаларини амалиётга тадбиқ этиш бугунги ёш авлоднинг бурчи эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Пировардида нотиқ шу йил 28-30 март кунлари юртимиз ҳудудида содир этилган террорчилик ҳаракатлари чоғида ички ишлар идоралари ходимларининг мамлакатимиз тараққиётига, аҳоли тинчлигига тажовуз қилган кимсаларга қарши курашда кўрсатган мардлиги, жасорати ва маҳорати ҳақида

тўхталди. Айниқса, Юртбошимизнинг милиция ходимларига эътибори, уларнинг хизмат фаолиятига берган ижобий таърифни тантанали иштирокчилари қарсақлар билан қарши олдилар.

Тадбир давомида 28-30 март кунлари юз берган террорчилик ҳаракатларини бартараф этиш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг қариндошларига ҳукуматимизнинг ордени ва медаллари топширилди.



Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

БАЙРАМ ТАДБИРЛАРИ

ТОШКЕНТ. Қарийб қирқ йилдирки, республика ИИБ ЁХББ ва Тошкент шаҳар ИИББ ЁХББ ходимлари пойтахтимиздаги В. Челноков номи 24-Меҳрибонлик уйига оталиқ ёрдами кўрсатиб келишяпти. Байрамларда тарбияланувчилар учун дастурхон ёзилади. Бу галга ҳиммат кўрсатиш тадбири Хотира ва Қадрлаш кунлари арафасида Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЁХББда ташкил этилди.

Тантанали йиғилишга Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийлари, хизмат пайтида ҳалок бўлган, тилсиз ёвни бартараф этишда жароҳат олиб, ногирон бўлиб қолган ходимларнинг оила аъзолари таклиф этилди.

Тадбирни республика ИИБ ЁХББ бошлиғи, ички хизмат полковниги А. Қўлдошев очди. Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги ички хизмат полковниги О. Аҳмедов йиғилганлари кутлуғ кун билан табриклаб, қарияларни ва болажонларни қадрлаб, йўқлаб, дастурхон тузганларга самимий миннатдорчилик билдирди.

Шу кун Тошкент шаҳар ИИББ ЁХББ ходимлари, ички хизмат подполковниклари Доно Турсунова ва Татьяна Соловьевалар тантанали равишда нафақага кузатилди. ЁХББ бошлиғи, ички хизмат полковниги Э. Жуманов уларнинг кўпйиллик хизматлари учун миннатдорчилик билдирди, қимматбахо совғалар топширди.

Тантанада, айниқса, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ижросидаги қўшиқ ва рақслар кўнгилларни қувонтирди. Таниқли санъаткорлар, ёш ижрочиларнинг чиқишлари даврага ўзгача файз бахш этди

Ф. САЪДУЛЛАЕВА.

РЕСПУБЛИКА ИИБ Жазони ижро этиш Бош бошқармасида ҳам Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унга вазирлик раҳбарияти, пенитенциар тизим фахрийлари, ходимлари ташриф буюришди. Республика Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат генерал-майори Р. Қодиров Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини, соҳанинг барча фахрийларини айём билан самимий табриклади, уларнинг пенитенциар тизим фаолиятини такомиллаштириш, муносиб ўринбосарлар тайёрлаш йўлида қилган хизматларини алоҳида таъкидлади. Ҳозир ҳам баҳоли қудрат ёш ходимларни тарбиялашга ҳисса қўшиб келаятганлари учун миннатдорчилик билдирди.

Ўз мухбиримиз.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ. Вилоят Ички ишлар бошқармасида ҳам Хотира ва Қадрлаш кунини кенг нишонланди. Шу кунни ўн етти нафар Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ички ишлар идоралари фахрийлари бошқармага таклиф этилдилар. Жанггоҳларда тобланган, бугунги тинч, фаровон кунларимиз учун курашган ота-хонларга иззат-эътибор кўрсатилди.

Учрашув файзли дастурхон атрофида давом этди. Кексалар суронли йилларни ёдга олдилар, жанггоҳларда қолиб кетган қадрдорларини, уруш йилларида кўрган-кечирганларини хотирладилар.

– Бу дийдорлашув жуда таассуротли бўлди, – дейди бошқарма бошлигининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги Б. Нарзуллаев. – Афсуски, уруш кўрган кексаларимизнинг сафи йилдан-йилга камаймоқда. Уларнинг босиб ўтган шонли йўли, жасоратли хизматлари ёш авлод учун ибрат мактаби бўлиб қолади. Ҳамиша улар олдида таъзимдамыз.

Учрашув якунида республика Вазирлар Маҳкамаси Қарорига кўра фахрийларга пул мукофотлари ва совғалар топширилди.

Нигора РАҲИМОВА.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. 8 май кунини вилоят ИИБда “Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Унда вилоят ИИБ раҳбарияти, мустақил бошқарма, бўлим, шаҳар, туман ИИБ бошлиқларининг ШТБИ бўйича ўринбосарлари, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фахрийлар, хизматни ўташ вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзолари қатнашишди.

Тантанани ИИБ ШТБИХ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги М. Собиров кириш сўзи билан очиб, табриқ сўзини бошқарма бошлиғи, милиция полковниги М. Адилловга берди.

– Бу кунда нафақат уруш қатнашчилари, балки хизмат бурчини ўташ вақтида ўз жонларини Ватан, эл-юрт тинчлиги йўлида фидо қилган мард ўғлонларимизни ёд этиш, уларнинг хотирасига ҳурмат кўрсатиш бурчимиздир, – дея таъкидлади М. Адиллов.

Уруш ва меҳнат фахрийларини республика ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ф. Раҳимов ҳам кутларкан, улар босиб ўтган шонли йўллар машаққатига тўхталди.

Хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган Э. Эмираджиевнинг онаси Т. Эмираджиева ҳукуматимиз ва вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдирди.

Тантана сўнгида барча йиғилганлар дастурхонга таклиф этилди. Бу ерда уларга ажратилган совға-саломлар улашилди. Хушовоз хонанда ва созандаларнинг куй-қўшиқлари барчани хушнуд этди.

Ўз мухбиримиз.

Келажак ёшлари

ҒАЛАБА - БИЛИМДОНЛАРДА

Бир неча йиллардан буён республика “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Адлия, Ички ишлар, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган “Сиз қонунни биласизми?” Республика кўрик-танловининг якуний босқичи Хоразм вилоятида бўлиб ўтди.

Унда Наманган вилояти вакиллари биринчи, Андижон ва Навоий вилоятлари иккинчи, Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятларининг билимдон жамоалари учинчи ўринни забт этишиб, қимматбахо совғалар билан тақдирландилар.

Ушбу танловда кучли жамоалар биринчи шартдаёқ ўзларини намойиш эта бош-

лашди. Андижон вилоятининг “Адолат”, Навоий вилоятининг “Адолат юлдузлари”, Наманган вилоятининг “Адолат” жамоалари кийимларидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар тимсоли яққол сезилиб турган бўлса, Қашқадарё вилоятининг “Қалқон”, Фарғона вилоятининг “Истиқбол”, Жиззах вилоятининг “Адолат” жамоалари томонидан тайёрланган альбомлар ва кўргазмалар лавҳалар уларнинг танловга жиддий тайёрланганини кўрсатиб турарди.

Кўрик-танловнинг 2-шарти бўйича энг юқори балли Андижон ва Наманган жамоалари қўлга киритишиб, мавқеларини мустаҳкамлаб олишди. Фарғона, Хоразм ва Навоий вилоятлари жамоалари ҳам қийин саволларга қийналмасдан жавоб беришди.

Навбатдаги шарт бўйича аксарият жамоалар суд жараёнларини сахна кўринишида намойиш этдилар.

Сўнгги шарт – сардорлар беллашувида Наманган вилояти “Адолат” жамоасининг сардори Шохиста Юсупова энг юқори баллини қўлга киритди. Бу билан у нафақат билимдонлигини намойиш этди, балки, жамоасини иккинчи ўриндан биринчи ўринга чиқариб қўйди. Чунки, аввалги шартлар натижасига кўра андижонликлар пешқадам эди.

Шунингдек, навоийликлар етакчиси Фаррух Набиев ҳам ўз билимдонлиги билан жамоасининг иккинчи ўринни эгаллашини таъминлади.

Бухоро, Фарғона ва Хоразм вилоятлари жамоаларининг сардорлари жамоаларини 3-ўриндан жой олишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Шаҳноза КАРИМОВА,
Наманган Давлат университети
ҳуқуқшунослик факультети
3-курс талабаси.

2004 йил – Меҳр ва мурувват йили

Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги Мурувват уйида айни дамларда ҳам ақлан, ҳам жисмонан ногирон бўлган болалар яшаб, даволанишмоқда. Ушбу масканда бог, поллиз майдони ва ёрдамчи хўжалик мавжуд. Бир нечта ҳомий ташкилотлар томонидан кўрсатилган ёрдам туфайли ётоқхона, ошхона, тиббиёт хоналари қайта таъмирланди. Жорий йилнинг шу давригача беш миллион сўмлик иш бажарилди.

МЕҲРДАН ЯРАЛГАН АСЛИДА ДУНЁ

Бундан ташқари, ҳукуматимиз томонидан 175 миллион сўмлик маблағ ажратилган. Мурувват уйида яшаётганларнинг аксарияти ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва қариндошлар билан никоҳ қуриш каби иллатлар таъсирида дунёга келишган. Улар ҳар томонлама эътиборга муҳтож. Тарбияланувчиларнинг 40 нафари эса мустақил ҳаракат қила олишмайди. Туман ички ишлар бўлими ҳам мазкур масканга уч миллион сўмлик ёрдам кўрсатди.

– Бу каби хайрли ишларни ҳар йили, ҳамма вақт давом эттириш бурчимиздир, – дейди туман ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция капитани А. Искандаров. – Зеро, халқимиз меҳр кунда керак, деб бежиз айтмаган. Бизнинг инсоний фазилатларимиз негизи ҳам меҳр-мурувватдан иборат эмасми?

Қалбимиздаги ришталарни бошқалар билан боғлашдек савобли иш барчамизга насиб этсин.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

БОЛАЖОНЛАР ҲУЗУРИДА

Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйи айни вақтда 115 нафар болани ўз бағрига олган. Вилоятдаги йирик sanoat корхоналари, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари, тадбиркорлар, саховатли кишилар бу ерга тез-тез ташриф буюриб, болаларга меҳр-мурувват кўрсатишади.

Яқинда Навоий шаҳар ички ишлар бўлими ходимлари ҳам Меҳрибонлик уйида бўлдилар. Улар муассасага озиқ-овқат маҳсулотлари, ширинликлар тортиқ қилишди.



– Меҳрга муҳтож болажонлар ҳаммиша эътиборимизда, – дейди Навоий шаҳар ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция капитани А. Абдуқулов. – Уларга имкон қадар моддий ва маънавий кўмак беришга ҳаракат қилаямиз. Айниқса, байрам кунларида, турли тантанали тадбирларда болаларнинг ёнида бўлиб, уларга қувонч улаштириш, кўнгилларига оз бўлса-да, ёруғлик бахш этишга интиламиз.

Тўғри, бу ерда тарбияланувчилар учун ҳамма нарса муҳайё. Фақат ота-она меҳри етишмайди, холос. Илло, меҳр-мурувватли, болажон халқимиз, Ватанимиз ҳам ота, ҳам она бўлиб уларнинг бошини силайди, кемтик дилларига малҳам бўлади. Бугун эътибор ва эъзозда бўлган ўғил-қизлар келгусида ҳаётда ўз ўринларини топишлари, ҳалол ва самарали хизматлари билан эл-юрт ҳурматини қозониб яшашларига ишонамиз.

Н. ЎРАЛОВА.

Суратда: милиция капитани А. Абдуқулов ва милиция катта лейтенанти Р. Набиев Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан.

Муаллиф олган сурат.

9 май куни соат 10.40да Чеченистон пойтахтида фо- жиа содир бўлди. Грозний шаҳридаги “Динамо” ўйин- гоҳида эндигина байрам- нинг расмий қисми тугаб, концерт бошланган эди. Шу пайт марказий минбарда кучли портлаш юз берди.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



чириши учун қўлимдан кел- ган барча ишни қиламан”, – деди у мазкур лавозимга сайланган. Аҳмад Қодировга шу пайт- гача 10 мартадан ошқ суи- қасд уюштирилган эди. У рес- публикага тўрт йил раҳбарлик қилди. Ўтган давр ичида қўл



ЧЕЧЕНИСТОНДАГИ ФОЖИА



Портлашдан бир неча дақиқа олдин.

Натижада Чеченистон Пре- зиденти Аҳмад Қодиров, Давлат Кенгаши раиси Хусайн Исаев, бир журналист, Президентнинг икки қўриқчи- си ва бир бола ҳалок бўлди. Олтмишга яқин киши турли даражада тан жароҳати ол- ган. Улар орасида Шимолий Кавказдаги Бирлашган қўшинлар гуруҳи қўмондони, генерал-полковник Валерий Баранов ҳам бор. Россия Фе- дерацияси ИИБ, Федераль хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси ходимлари-

дан иборат гуруҳ тергов-су- риштирув ишларини бошлаб юборишган. Мутахассислар воқеа жойини кўздан кечи- риш чоғида минбар остидан

ҳали портламай қолган яна бир артиллерия снарядини топиб олишди. Чеченистон раҳбари вази- фасини республика Консти-



туциясига мувофиқ то янги Президент сайлангунича Бош вазир Сергей Абрамов бажара- ди. Республика Сайлов ком- иссияси раиси Абдул-Кар- им Арсахановнинг айтишича, Чеченистон президентлигига сайловлар шу йилнинг сен- тябрь ойида бўлиб ўтади. Шу пайтгача республика ҳукумати раҳбарининг ўрин- босари лавозимида ишлаб келган Т. Жаброилов Чече- нистон Давлат Кенгашининг раиси этиб сайланди. “Мен чечен халқи бахтли ҳаёт ке-

ишларни амалга ошириб ул- гурди. Энг муҳими, халқини тинч меҳнат, яратувчилик сари бошлади. Масхадов уни ўзининг 1-рақамли душмани деб атаганди. Басаев эса Қо- дировнинг боши учун 100 минг АҚШ доллари ваъда қилган. Ўлимидан сўнг Аҳмад Қодировга Россия қахрамони унвони берилди. Грознийдаги портлаш му- носабати билан “қотиллик” ва “терроризм” моддалари бўйича жиноят иши кўзга- тилди.

КЕНГ МИҚЁСЛИ ДАСТУР



АҚШ Ҳарбий Денгиз кучлари мамлакатнинг ва бошқа давлатларнинг Тинч ҳамда Ҳинд океанларига туташ кир- гоқларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли дастур тайёрлашпти. Адмирал Томас Фаргонинг баёнот беришича, мазкур дастур биринчи галда кимёвий, биологик ва ядро қуролларида фойдаланиб террорчилик ҳаракатлари содир этишнинг олдини олиш- га қаратилган.

АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг маълумот- ларига қараганда, 11 сентябрь воқеаларига қадар мамлакат портларига кириб келувчи кемаларнинг икки-уч фоизигина текширилди, холос. Шу йил 1 июлдан кучга кирадиган янги қонунга кўра, АҚШга савдо кемаларини юборувчи барча мам- лакатлар терроризмга қарши курашиш борасида қатор чора- лар кўришлари лозим. Жумладан, улар портларда кузатув камералари ва рентген аппаратлари ўрнатишлари керак.


АҚШ Миллий хавфсизлик вазирлиги кўплаб денгиз портла- рига юкларни текшириш учун ўз инспекторларини жўнатиш- ди. Генуя, Гамбург, Гонконг, Роттердам, Шанхай ва Сингапур каби шаҳарларда улар фаолият кўрсатишпти. Ўтган йили ёзи- дан Бирлашган Араб Амирликлари, Малайзия ва Туркиядан АҚШга жўнатилувчи юкларни текшириш бошланган. Разведка маълумотларига қараганда, “Ал-Қоида” ташкилоти жангарилари портловчи моддаларни мўлжаллаган манзилларига еткази- ш учун юк ташувчи кемалар хизматидан фойдаланган.

АВИАҲАЛОКАТ

Тинч океани осмонида авиаҳалокат юз берди. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, бортида 29 нафар йўловчи ва 5 эки- паж аъзоси бўлган энгил са-

молёт Филиппин ороллари яқинида сувга кулаб тушди. Дастлабки маълумотларга қараганда, камида 14 киши ўлган, қолганлар турли дара- жада тан жароҳати олишган. Ҳозирча ҳалокат сабаби ва самолётнинг қайси авиаком- панияга тегишлилиги хабар қилинмаган.

Мамлакат Президенти Гло- рия Макапагал Арройо зудлик билан авиаҳалокат сабабларини ўрганишга киришиш бўйича кўрсатма берди.




МЕКСИКА ОСМОНИДА «НУЖ»ЛАР

Мексика Ҳарбий ҳаво кучлари учувчилари 11 та номаълум учар жисмни 15 дақиқа давомида тас- вирга туширишга муваффақ бўлишди. Инфрақизил камерада олинган видеотасвир ўтган се- шанба куни Мексика телевиде- ниеси орқали намойиш этилди.

Бу шов-шувли хабар муаллифи “яшил одамлар” мавзусида қалам тебратадиган журналист Хайме Мауссанадир. Унинг фикрича, учувчилар кузатган “НУЖ”ларни ақлли мавжудотлар бошқарган. Видеоёзув қандай қилиб Муассананинг кўлига тушиб қолгани но- маълум.

“НУЖ”лар 2004 йил 5 мартда тасвирга туширилган. Ўшанда учувчилар бортига гиёҳвандлик моддалари ортган кемаларни из- лаш учун Кампече штати осмони- га кўтарилишган эди. Номаълум учар жисмлар 3,5 километр ба- ландликда қайд этилган. Радар- лар 11 “НУЖ”дан фақат 3 тасини- гина пайқашди. Самолёт коман- дири, майор Магдалено Кастано- нанинг айтишича, таъкиб этишни тўхтатишлари билан сирли жисм- лар ғойиб бўлишган.

Тадқиқотларнинг фикрига қара- ганда, мазкур ҳолат илгаригила- ридан шуниси билан фарқ қила- дики, илк бор ҳарбийлар “НУЖ”- га дуч келганларини расман тас- диқлашди.



ФАБРИКАДАГИ ПОРТЛАШ



Буюк Британиянинг Глазго шаҳридаги фабрикада юз берган портлаш оқибатида камида икки киши ҳалок бўлди, 20 нафар одам яраланди. Тўрт қаватли фабрика биноси бутунлай вайрон бўлган. Портлаш туш пайти содир бўлди. Воқеа жойига дарҳол ўт ўчирувчилар, полиция ходимла- ри ва 16 та тез ёрдам машинаси етиб келди. Ўтиб-айтаёт- ганлар ҳам вайроналар остида қолганларни қутқаришда иштирок этишди.

Полиция вакилларининг айтишича, қутқарув ишлари давом этяпти. Портлаш сабабини аниқлашга киришилди.

ОДАМХЎР ЙЎЛБАРСЛАР

Индонезиянинг Риау провинциясида май ойи бошидан буён суматра йўлбарслари олти кишига ҳужум қилишди. Уларнинг икки нафарини ғажиб кет- тишди. Провинциянинг та- бий ресурсларни муҳо- фаза қилиш бўйича бош- қармаси раҳбари Жоне Кинедининг айтишича, йўлбарслар қўриқхонада- ги ўзларининг одатдаги худудидан ташқарига чи- қишган. Жабрдийдалар- нинг аксари ноқонуний ра- вишда ўрмон (дарахт) ке- сиш билан шуғулланувчи кишилардир.

Ҳозир йиртқичларни ту- тиб ўз маконига қайтариш учун махсус гуруҳ юборил-



ди. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро таш- килотнинг маълумотларига қараганда, Ер юзида бор- йўғи 400-500 та суматра йўлбарси қолган. Балий ва яван йўлбарслари эса ўтган асрдаёқ одамлар томонидан бутунлай қириб юборилган.

Жасоратингизни Ватан унутмайди



Бугунги ёзаётганимиз – кўнгил дардларини болалигиданоқ адолатпеша полициячи, ёхуд ҳинду ролини ўйнаб, белида аскар камари, қўлида қалқон билан болалик дунёсининг тинчлигини кўринмас душманлардан кўриқлаб юрган Азизжонга, вақти келиб эр йигит бўлгач эса, Ўзбекистон мустақиллигини кўринмас, аммо ҳақиқий душманлардан асраган Азизжон Турсуновга бағишладик.

“Ҳар бир милиция ходими, аввало, оддий инсондир, аммо ҳар ким ҳам милиция ходими бўла олмайди”.

Ислом КАРИМОВ.

ошириш институтида наркотрафик ва гиёҳвандлик бўйича жиноят-қидирув тезкор вакиллари гуруҳида ҳам таълим олганлигини ота-онаси вафотидан сўнг билишди.

– ... Тошкент шаҳрида қуролланган шахслар томонидан содир этилган хунрезликлар бўйича “Сирена”

Мақсади тинч аҳоли юрагига кутку солиш, қонхўрлик ва таҳликани келтириб чиқаришдан иборат бўлган бу ёвуз кимсалар ўз йўлларида Азизжон Турсунов, Заитбек Аҳмедов, Ваҳобиджон Нуриддинов каби халқ, Ватани олдида берган қасамёдига содиқ милиция ходимларини учратишни хаёлларига келтиришмаган чоғи.

... Пойтахтга элтадиган барча йўлларда хизмат янада кучайтирилган. “Қорамурт” блок-постига сафарбар этилган ходимлар ҳар бир транспорт воситасини синчиклаб назоратдан ўтказишаётир. Тонги етиларда постга “Тико” автомашинаси яқинлаша бошлади. Вилоят ИИБ ЙХХБ инспектори, милиция старшини Ваҳобиджон Нуриддинов “Тико” автомашинасига тўхташ ишорасини берди. Автомашинани ҳайдовчиси уни секинлатгандек бўлди-ю, бироқ тўхташмай юриб кета бошлади.

Буни кузатиб турган вилоят ИИБ ЙХХБ бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Саидахмад Абсаттаров ва Қўрай туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили милиция катта лейтенанти Азизжон Турсуновлар уни тўхташтиш учун шошиллашди.

Азизжон ўт-олов эмасми, дадил автомашина томон юрди. Ҳайдовчи машина устига деярли бостириб келаётган ходимнинг талабига бўйсунибдан бошқа илож йўқлигини сизди. Азизжон ҳайдовчининг ҳужжати ва йўловчиларига разм соларкан, уларнинг ҳам машинадан тушишларини буюрди. Чангалдан чиқиб кета олмаслигига кўзи етган террорчилар тушиши ҳамона белларига боғлаб олган қўлбола портлаш мосламасини ҳаракатга келтиришди...

Умрлар бор – қисқа, аммо сермазмун. Азизжон 27 йиллик умри давомида жуда кўп эзгу ишлар қилишга, ўзидан фақат яхши ном қолдиришга эришди. Йиллар унинг матонати, жасорати олдида хира тортади. Зотан, мардона ҳаёт – абадийдир.

М. ИБРАГИМОВА.

МАРДОНА ҲАЁТ – АБАДИЙДИР

Ҳа, Азизжонни билганларга унинг ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабар яшин ургандек таъсир қилди. Уни вақт, зарурат тақозоси билан билганлар шу кўйга тушиб турганда, вояга етказган, оқ ювиб оқ тараганлар ота-онаси, ёру биродарларнинг ҳоли не кечди экан?!

Қаҳри қаттиқ воқеликнинг шиддатли довули отани, меҳридарё онани, синглиси Зулайхони ҳам гирдобига тортди. Ота-ку бор иродасини йиғиб оёқда туролди, она билан сингил бунга чидай олишмаяпти. Уларнинг ноласи тинса-да кўз ёшлари ҳамон тийилмаётир.

Дарҳақиқат, дунёда ҳеч ким “болам” деб йиғламасин экан. Оилада Азизжон ёлғиз ўғил бўлиб, ундан умидлар катта эди. У авлоднинг давомчиси, кексайганда ота-онага суянчиқ бўлиши лозим эди. Бироқ...

Мактабни битирган Азизжон Тошкент давлат Аграр университетига ўқишга кирди.

– Мен уни серҳаракат, қувноқ, ўта ғайратли эканлигига кўп ҳавас қилганман, – деб ҳикоя қилади олийгоҳ доценти Шоназар Курбанов. – Зёҳни ўткир, тез илғовчи, фаросатли бўлиб, фанларни осон ўзлаштирарди. Вақтини бекорчилик, бемаза нарсалар-

га сарфлаш унга ёт эди. Ўқиб юриб, ҳайдовчилик курсларини ҳам тугатиб олибди, қаранг! Олийгоҳ миқёсида ўтадиган барча тадбирларда фаол қатнашиб, атрофдагиларнинг руҳини кўтара оларди. У кирган жойга файз кирарди, гўё. Ўзи билан офтобнинг бир парчасини олиб юргандай бўларди.

«Қанчадан-қанча ота безор, она безор болаларни биламан. Улар на жамият, на яқинларига фойда келтиради. Хунрез террорчилар шундайлардан эмасми? Азизжоннинг террорчиларни ушлаш чоғида ҳалок бўлганини эшитиб, мен шуларни ўқувчиларга етказишни бурчим деб биламан Чунки, улар бу тинч, осуда ҳаётни кимларнинг жонфидалиги эвазига келаётганини билишлари ва кадрига етишлари керак».

Хури МИРОДИЛОВА,
Қўрай туманидаги
25-мактаб ўқитувчиси.

Азизжоннинг ҳалок бўлганига кўпчилик ишонмади. Ҳатто кафедра лаборантлари “шурости” дея мандан қайта-қайта сўрашди. Тўғриси айтсам, яқинларим вафот этганида ҳам бунчалар йиғламагандим...

Одамлар борки, Шоназар ака таъкидлаганидек, бир парча куёш тафтини ўзлари билан бирга олиб юргандек. Олиб юргандек ҳам эмас, балки атрофга уни тарқатаётгандек таассурот қолдиришарди. Ундайларнинг гўёки ичида

уриб турган юрагининг оппоқ, тиник, иссиқ, гардсиз-ғуборсиз эканлигини кўриб тургандек бўласан.

А. Турсунов 1999 йилда Тошкент вилояти ИИБга хизматга қабул қилинди. Олмалик ўқув марказида махсус тайёргарликдан ўтгач, Оққўрғон тумани ИИБ ЖТСБ ЖООБ участка инспектори лавозимига тайинланди.

– Участка инспектори лавозимидаги хизмат унинг касбий маҳоратини оширибгина қолмай, ҳаёт йўлини танлашда муҳим туртки бўлди, – деб хотирлайди туман ИИБ ЖООБ собиқ бошлиғи, милиция капитани Тўлқин Маматқулов. – У ҳамиша воқеалар ичида бўлишни яхши кўрарди. Азизжондаги ғайрат гўё отилиб турган вулкондек эди.

У 2002 йили туман ИИБ Оққўрғон милиция бўлинмаси ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор вакили этиб тайинланди. Икки йил ичида Азизжон шу соҳанинг устасига айланди. Бироқ, у ўз ишидан, бу борадаги билимларидан қониқмасди. Ҳамма ишни маромига етказишга одатланган Азизжонга мутахассислиги бўйича билими кам туюлаётганди. У Тошкент Давлат юридик институтига сиртдан ўқишга кирди. Уйдагилар бундан битириш арафасидагина хабар топишди. Шунингдек, унинг республика ИИБ Академияси қошидаги ички ишлар идоралари раҳбар ходимларининг малакасини

тадбири эълон қилинди. Гумонланувчиларнинг тахминий қиёфалари шахсий таркибга етказилди, – дейди

“Азизжон ўт-олов йигит эди. У ички бир туйғу билан машинадагилар террорчилар эканлигини билган. Қурбонлар камроқ бўлади, бошқаларни асраб қоламан, деб шу йўлни танлаган. Бу фақат Азизжоннинг қўлидан келарди. Фақат угина иккиланмай ўз ишига жонини фидо қила оларди”.

Эгамберди ЖАҲОНГИРОВ,
Қўрай туман ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта
тезкор вакили, милиция капитани

Қўрай туман ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Маҳмуджон Умаров. – Сафарбарлик гуруҳида Азизжон Турсунов ҳам бор эди. Унинг хушёр, сезгирлиги хизмат пайтида қўл келди. «Бойжигит» маҳалласидан чиқиб келган йигит унда шубҳа уйғотади. Ушлаш чоғида у қаттиқ қаршилиқ кўрсатади. Бўлимга олиб келинган 1982 йилда туғилган Юқори Чирчиқ туманилик Фарҳод Казакбоевнинг сумкасидан турли симлар, портлатиш қурилмасини ясаш учун мўлжалланган мослама ва хом-ашёлар топилган. Террорчи гуруҳ томонидан пойтахтнинг яна бир қатор жойларида кўпуровчилик, тартибсизликлар келтириб чиқариш режаси ана шундай барбод этилди.

Ёдном

ШИФОКОР, РАҲБАР, МУРАББИЙ

Республика ИИБ соғлиқни сақлаш хизмати ходимлари соҳада эришилган кўплаб ютуқлар учун бу инсондан миннатдор бўлишлари керак. У Турсун Хўжаевич Хусанхўжаевдир. Мана, етти йилдирки, у орамизда йўқ. Ҳаёт бўлганида шу кунларда 75 ёшга тўларди. Ички ишлар идоралари ходимларининг соғлигини сақлаш, муҳофаза қилиш йўлидаги фидокорона саъй-ҳаракатлари туфайли у ҳақли равишда бош шифокор деган фахрли номга сазовор бўлди.

Т. Хусанхўжаев ўтган асрнинг 70-йиллар охирида республика ИИБ Тиббиёт бошқармасига раҳбарлик қилди. Бунгача даволовчи шифокор, госпиталь, (шифохона) бошлиғи ла-

возимларида ишлаб катта тажриба тўплаган эди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги илк фаолиятини эса, пойтахтдаги тиббиёт институтини битиргач, олис Қорақалпоғистонда бошлаганди. У ўзини нафақат шифокор, балки тиббий хизмат ташкилотчиси сифатида ҳам кўрсата олди. Тошкентга қайтгач, йирик sanoat корхоналаридан бирининг тиббий-санитария қисми раҳбари этиб тайинланди.

Ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида у республика ИИБ тизими тиббиёт хизматида келиб, шу соҳада деярли 30 йил фаолият кўрсатди. Узоқ вақт Марказий госпиталга раҳбарлик қилди. 1979 йилдан эндигина ташкил этилган тиббиёт бошқармасига бошчилик қила

бошлагач, кадрлар танлаш, ёш мутахассисларни ўқитиш-ўргатишга катта эътибор берди. Айнан унинг раҳбарлиги даврида қатор вилоятлар ИИБ касалхоналари, Самарқанддаги “Зарафшон” санаторийси (сиҳатгоҳи) каби қатор йирик тиббий муассасалар ишга туширилди.

Турсун Хўжаевичнинг таълимини олганларнинг аксари бугунги кунда тиббиёт хизматининг масъулиятли лавозимларида ишлашяпти. Соҳамиздаги бир неча авлод унинг тажрибасидан баҳраманд бўлди.

Фахрийларимиз тўпланиб қолишганида республикада хизмат кўрсатган шифокор, тиббиёт фанлари номзоди, кўпларнинг нафақат раҳбари, балки



устози бўлган Т. Хусанхўжаевни албатта ёдга олишади. ИИБ тизими соғлиқни сақлаш хизмати тарихида Турсун Хўжаевич Хусанхўжаевнинг алоҳида ўрни бор.

Суннат ТОЛИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Тиббиёт бошқармаси бошлиғи,
ички хизмат полковниги.

UCHINCHI «Поетга» gazetasing ilovasi

OLA M

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR, SALOMATLIK SABOQLARI
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

Бир куни вертолёт бригадасининг олти нафар қутқарувчиси Россиядан минглаб километр олисга, навбатдаги экспедицияга йўл олди. Орадан маълум муддат ўтиб, базага улардан иккитасигина қайтиб келди. Иккалови ҳам бардам-бақувват бўлган бу йигитлар бир неча кунгача қарахт ҳолда юрдилар. Кейин шунақанги воқеаларни сўзлаб бердиларки, бундан даҳшатга тушган раҳбарлар уларнинг соғлигини текширтириш учун руҳий касалликлар шифохонасига жўнатишди.



СУВ МАХЛУҚИГА

ҚУРЪОНЛИК

Қарғиш

теккан жой

Шифокорлар узок текширувлардан кейин йигитларни ақлан соғлом ва айтган гаплари тўқима эмаслиги ҳақида хулоса бердилар. Улардан бири, — (уни Алекс дея қолайлик), ўз кўзи билан кўрган қуйидаги воқеаларни сўзлаб берди.

— Бошимиздан ўтган кечин-малардан кейин шу фикрга келдимки, жониворлар, хусусан, илонларда ақл-идрок, онг бор. Ҳар қанча инкор этишга уринмайлик, улар инсонлардан ақлироқ ва айёрроқдир.

Ўшанда базамизга қарашли вертолёт авиабригадаси шартнома бўйича Боливияда ишлаётган эди. Бир куни вертолёт чангалзор устида ҳалокатга учради. Учувчи ҳалокат юз берган жой ва тахминий кўниш мумкин бўлган квадрат ҳақида радиоалоқа орқали хабар беришга улгурди. Шундан кейин алоқа узилди.

— Биз, қутқарувчилар кўп ўтмай навбатчи вертолётда воқеа жойига етиб келдик, — Алекснинг сўзларини давом эттиради унинг ҳамкасби Питер. — Бироқ вертолёт айтилган манзил узра ҳар қанча айланмасин, ҳалокат туфайли рўй берган ёнғин ёки портлаш аломатларини учратмадик. Уларни тополмагач хаёлимизга “демак, экипаж аъзолари тирик” деган ўй келди. Бошқа томондан, айтилган квадратга яқинроқ жойга кўниб, у ерларни синчиклаб кўздан кечиршимиз зарур эди. Одам оёғи етмаган чакалакзорда юриш машаққатини билмайдиган одам бўлмаса керак.

Қисқаси, вертолётни кичик қишлоққа яқин жойга, дарё қирғоғига кўндирдик. Испан ва инглиз тилларини аралаш-қуралаш қилиб, амаллаб, ма-

халлий аҳолига мақсадимизни тушунтирдик. Улар қулаётган вертолётни кўришгани, лекин портлаш овозини эшитмаганликларини айтишди.

Шундан кейин биз аҳоли орасидан йўл кўрсатувчилар қидира бошладик. Аввалига кўлимиздаги 50 АҚШ долларини кўрганда ўта қашшоқ яшовчи аборигенларнинг кўзлари ёниб кетди. Бироқ биз бормоқчи бўлган жойни билгач, бериладиган ҳақни 100 АҚШ доллариға кўтарсак ҳам бирор киши йўл кўрсатиб боришга унамади. Катта ёшдаги эркалар эса кўзларини ола-қула қилиб, осмонга қадаганларича ўз тилларида бир сўзни қайта-қайта такрорлардилар. Орамизда бу ерликларнинг тилини бироз тушунадиган йигит бор эди. Уларнинг гапини тинглаб:

— Сизлар айтган жойга қарғиш теккан, лаънатланган. У ерда ҳалқанинг ҳукмдори — сув иблиси яшайди, борманглар, дейишяпти — деди “тилмочимиз”.

Хуллас, йўл кўрсатувчи топилмади. Шу кунгача чангалзорга ўзимиз йўл олдик. Айтилган жойга бориш учун дарё ёқалаб, ўтиб бўлмас тропик ўсимликлар чирмашиб кетган жойлардан йўл очиб боришимизга тўғри келди. Ярим тунда тинка-мадоримиз қуриганча тунаш учун жой танлаб, лагерь кура бошладик. Кўп ўтмай чангалзор орасидан кичикроқ майдонча очиб, иккита палатка ўрнатилди. Гулхан ёқиб, овқатландик. Кейин эртанги кун режасини тузиб (мўлжалдаги жойга етишимизга яна 18-20

км. ча масофа қолганди) ухлаш учун чўзилдик. Бироқ ёввойи чангалзор қўйнидалигимизни унутганимиз йўқ; гулхан ёнида навбатчи қолдирилди.

НОНУШТАГА ... ОДАМ

Чамаси, тунги соат иккилардан навбатчининг даҳшатли кичқиригидан илон чаққандек, сакраб турдик. Эшитганимиз кичқирик ҳам эмас, гўё ўлим олдида тортилган наъра, ўкириш эди. Ким қандай кийимда бўлса, шу ҳолатда палаткалардан ташқарига отилиб чиқди. Ташқарини зулмат қоплаган фақат дарё юзида ойнинг акси ярқираб турарди. Ой шуъласи ёритиб турган сувда дўстимизнинг танасини ўраб олган улкан, даҳшатли, ялтироқ махлуқни кўришга улгурдик. Унинг баҳайбат гавдаси гўё бир текис нафас олаётгандек қимирлаб турарди.

Ялтироқ махлуқ санокли дақиқаларда дўстимизни сув остига тортиб кетди.

Зум ўтмай дарё ҳеч нарса кўрмаган, билмагандек яна ўз ўзанида оқаверди. Дўстимиздан эса гулхан ёнида ётган милтиғи қолди, холос. Биз ундан умрбод жудо бўлган эдик. Рация орқали базадагиларга бўлган воқеа маълум қилинди. Узок музокаралардан кейин қидирувни қолган беш киши давом эттирадиган бўлдик.

Белгиланган йўналиш боя дўстимиз ғойиб бўлган дарё орқали ўтарди. Одатда ҳаво билан шишириладиган қайиқ-

ларни кўтариб юриш оғирлик қилса, қўлбола сол ясаларди. Бу гал ҳам унча катта бўлмаган бир неча дарахтни кесиб, пишиқ нейлон арқонлар билан ёғочларни бир-бирига маҳкам боғладик. Узун таёқлардан кўпроқ ғамлаб, солда олға сузиб кетдик.

Кейин юз берган ҳодисаларни гўё тушда кўргандек зўрга эслайман. Сабаби, кўрган-кечирганларимиз инсон ақли бовар қилмас даражада кўрқинчли эди.

Кенглиги ўн беш метр келадиган дарёнинг ўртасига етганимизда солнинг ўнг томонидаги сув юзи қайнаётгандек ҳаракатлана бошлади. Ундан худди секинлаштирилган кинодаги каби ҳаракат билан баҳайбат илоннинг танаси кўтарила бошлади. Бу Лотин Америкасида бири-биридан кўрқинчли миш-мишлар тарқалишига сабаб бўлган анаконда эди.

Илон сув юзига чиққач, сол томонга гўё “югурди”. Биз учун вақт тўхтаб қолгандек: устимизга шиддат билан бостириб келётган катта очилган оғизга даҳшат билан қараб турардик.

Анаконда бор кучи билан солга урилди. Ҳамроҳларимиздан бири зарб кучидан бир неча метр баландликка кўтарилиб, сувга қулади. Узунлиги ўн метрча келадиган анаконда танасининг бир қисми солдан ошиб ўтиб, бор оғирлиги билан унинг устига тушди. Биз ақл-хушимизни йиғиб, олиб, солда узала тушиб ётган илон танасига ўқ уздик.

Яхшиси, бу ишни қилмага-

нимиз маъқул экан. Илон оғриқдан тўлғониб қулча бўла бошлади. У яна бир шеригимизни янчиб қўйди. Думи билан бир урган эди, солимиз бузилиб, ёғочлар сочилиб кетди. Ҳаммамиз сувга қуладик. Сувни шалоплатиб, сузишга уринаётганимда қутқарувчилардан бири илон ҳалқаси ичида қолганини кўрдим.

Сувда ҳайбатли оғзини катта очганча кўзлари совуқ йилтираган илон кўринди. У яна, секинлаштирилган кинодек ҳаракат қилганча мен томонга суза бошлади...


Нега мен эмас, бошқалар ҳалок бўлганини сира тушуна олмайман. Ўзимга келганимда кирғоқда ётардим. Оёғим тиззамгача сувда эди. Мендан бир метр нарида яна бир қутқарувчи ётганини кўрдим. Қолган уч киши эса кўринмасди. Улар чўкиб кетган ёки аллақачон илоннинг қорнидан жой олишганди. Бизнинг ҳеч нарсамиз қолмаган, рация, озиқ-овқат, курол-яроғимиз йўқ эди. Ягона қуролимиз камаримизга боғланган, сигнал бериш учун ишлатиладиган ўқлар ҳамда ов пичоғи эди, холос.

Сувдан чиқиб, ҳалиям хушсиз ётган ҳамкасбимни амаллаб ўзига келтирдим. Иккимиз ҳам оёқ-қўлларимиз бутлигига ишонч ҳосил қилдик. Ҳар эҳтимолга қарши фақат битта ўқни ишлатдик. Олдинда бизни нималар кутаётганини ким биларди, дейсиз. Отган ўқимизга жавоб бўлмади.

Қидирув ишларини давом эттириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Икки кеча-кундуз давомида дарё ёқалаб юридик. Тунда кирғоқдан анча нарига бориб, дарахтларнинг устига чиқиб ухлашимизга тўғри келди. Шу икки кеча-кундуз давомида одамхўр анаконда бирон-бир эҳтиётсиз ҳаракатимизни кутаётгандек, ортимиздан кузатиб борди. Унинг жирканч боши сувдан хиёл кўтарилганча чайқалар, совуқ кўзлари эса бизга узок қадалиб, таъқиб қиларди. Би-лишимча, бўғма илонлар овқатлангандан кейин еганларини ҳазм қилиш учун бирорта хилват жойга бориб ётадилар. Анаконда эса изимиздан қолмасди. Чамаси, у “ўлжа”ларини инига яшириб, энди бизнинг пайимизга тушганди.

Беш кундан кейингина очнаҳор, жулдур кийимларда, баданимизни яра-чақа босиб, оёғимизни аранг судраб қишлоққа етиб бордик. Яна икки кундан кейин у ерга базамиздан вертолёт учиб келди. Кейин Россияга қайтиб, узок даволандик. Тўғриси айтсам, кўрган-кечирганларимдан кейин сира ўзимга келмасам керак деб ўйлагандим. Бироқ, инсон чидамли бўлар экан. Фақат ўша мудҳиш воқеадан кейин чангалзор, тропик дарёни кўргани кўзим йўқ...

BOLALAR SAHIFASI



ONA QIZIM

*Ona qizim chunonam
To'polonchi alomat.
"Jim bo'l" deb koyisangiz,
Qoyim bo'lar qiyomat.*

*Dadasining asali,
Ona qizim "mazali".
Qo'g'irchoqqa o'xshaydi,
Kichkina juda hali.*

*Chiroyli qo'lchalari,
Farovon yo'lchalari.
Ona qizim yashnagan
Hayotim g'unchalari.*

*Nur yog'adi ko'zidan,
Bol tomadi so'zidan.
Zar kokilli qizimning,
Aylanayin o'zidan.*

*Qiqir-qiqir kuladi,
Yig'lashni ham biladi.
Dadajoni qiziga
Dunyo baxtin tiladi.*

*Alloh bersin baxtini,
Qo'sha qilsin taxtini
Ona qizim boyligim,
Kelajagim yolqini.*

Bekmurod USMON.

XANDALAR

Likopchalarni yuvayotgan Shahodatdan oyisi so'radi:

– Likopchada asal bor edi-ku, nima qilding?

– Hech nima qilganim yo'q. Uning ustida pashshalar talashayotgan edi. Asalni shular yeb qo'ygan bo'lsa kerak, – dedi Shahodat.

– Oyi, mening yoshim kattami yoki mushugimizning yoshimi? – deb so'radi G'ayrat.

– Sen kattasan, o'g'lim. Nega so'rayapsan? – hayron bo'di oyisi.

– Men katta bo'lsam, nega mushugimizda mo'ylov bor-u, menda yo'q.

MATEMATIK JUMBOQ

Bir ota o'g'liga 30 ta oq va 30 ta qora quyon berib, bozorda sotib kelishga yuboradi. O'g'il oq quyonlarning uchtasini 1000 so'm, qora quyonlarning ikkitasini 1000 so'mdan sotib, otasiga 25000 so'm olib borishi kerak edi. U esa hamma quyonlarni aralashtirib, beshtasini 2000 so'mdan sotadi va jami $60:5=12 \times 200=24000$ so'm bo'ldi. Qadrli bolalar nega 1000 so'm kam bo'ladi?

TEZ AYTISH

*Oydin oyinda oyisidan
oldinda bordi,
Oyisidan oldin Oydin
oyinda bordi.*

O'TGAN SONDA BERILGAN MATEMATIK JUMBOQNING JAVOBI

Bu jumboqni yechish uchun yetmagan va ortib qolgan 5 so'm qo'shiladi. Hosil bo'lgan 10 so'mni avval uchga keyin to'rtga ko'paytiriladi. Ko'paytma 30ga 5 so'm qo'shiladi, 40dan esa 5 so'm ayriladi. Demak o'quvchida 35 so'm bo'lgan.

Bu jumboqqa Toshkent shahar Yunysobod tumaniidagi 97-maktab o'quvchisi Anvarbek Muxtorov to'g'ri javob topib qo'ng'iroq qildi.

Kataklardagi harflardan o'lkamizda yetishtiriladigan qovun nomlarini belgilangan tartibda toping.

Sh	B	V	O	X	A	N	B	O'	R
A	O	S	L	R	I	D	A	K	I
K	A	R	D	I	M	A	L	A	L
L	A	P	I	R	Q	M	A	K	L
L	K	A	Q	I	Q	A	L	U	A
I	I	L	A	U	I	Z	I	R	M
Ch	O	Q	K	N	A	B	I	U	A
A	R	U	R	U	G'	N	O'	G'	L
M	G'	I	L	O	N	I	T	A	L

O'TGAN SONDA BERILGAN SKANVORD JAVOBLARI

So'fito'rg'ay. O'rmon. O't. Uya. Tun. Imkon. Noma. Inoq. Ang. Ayon. Ena. Ayrim. G'umay. Tort. O'roq. Reja. Qo'zi. Ot. Noila. El. Yangiyo'l. Oz. An. Kam. Ertak. Olam. Jazo. Kanizak.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги милиция майори **Набижон ТҮЙЧИБОВ**ни табаррук 70 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Падари бузрукворимизнинг яна кўп йиллар бахтимизга саломат бардам бўлиб, бизнинг бахту камолимизни кўриб, даврамизни тўлдириб юришини Яратгандан сўраймиз.

Эҳтиром ила фарзандлари.

Ички ишлар идоралари фахрийси, меҳрибон дадажонимиз **Чорихон БЕГМАТОВ**ни табаррук 60 ёшга тўлгани билан қизгин муборакбод этиб, яна кўп йиллар саломат бўлиб, фарзандлари ва шогирдларининг камолини кўриб, даврамизни тўлдириб юришини Тангри талодан сўраймиз.

Ҳурмат ила оила аъзолари.

Музработ тумани ИИБ бошлиғи, милиция майори **Аъзамжон САЪДУЛЛАЕВ**ни таваллуд топган куни билан самимий кутлаймиз. Ҳамкасбимиз ва раҳбаримизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, шарафли ва машаққатли хизматида муваффақиятлар тилаб, ҳамisha Аллоҳ мададкор бўлсин деймиз!

Эҳтиром ила туман ИИБ шахсий таркиби.

Мухтарама онажонимиз **Мавлуда МҮМИНОВА**ни туғилган куни билан чин дилдан кутлаймиз. Уларга узоқ ва мазмунли умр, сиҳат-саломатлик тилаб, фарзандларининг камолини кўриб, даврамизни тўлдириб юришини Аллоҳдан сўраймиз.

Эҳтиром ила оила аъзолари.

Бухоро шаҳар ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлими ходими милиция катта сержанти **Фахриддин ҚУРБОНОВ**ни туғилган куни билан чин дилдан табриклаймиз. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларида катта ютуқ ва омадлар тилаймиз.

Оила аъзолари.

МУҲАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Келгуси ҳафта учун



Кўй. Ҳафта ўзингиздаги имкониятларни ишга солиш билан бошланади. Атрофдагилар, қадрдонлар, шерикларга яхши муносабат катта наф келтиради. Бу ҳафта муваффақиятли яқунланиши ўзингизга боғлиқ. Файрат, шижоат, оқилона иш юритиш билан кўзланган режалардан ҳам ортиғига эришишингиз мумкин. Ҳаволаб кетиш панд беришини эсдан чиқарманг.



Тарози. Бажараётган ишингиз кутилган натижа бермаслиги мумкин. Оилада хотиржамлик йўқолмасин десангиз оғирроқ бўлинг. Янги учрашув, танишувлар кутилляпти. Ҳафта охирида сиздан тўғри қарор қабул қилиш талаб этилади, йўқса, омадсизлик бўлиши мумкин. Яқшанбада ҳамма ташвишларни бир четга суриб, мириқиб дам олинг, саёҳатга чиқинг.



Сигир. Ҳафта кўпроқ ўз ташвишларингиз, муаммоларингизни ҳал этиш билан бошланиши кутилляпти. Бор имкон, тажриба ишга солинса, кутилган натижаларни кўлга киритиш мумкин. Тижорат ва бизнес билан шуғулланадиганларнинг ишлари юришиб кетиши мумкин. Дам олиш кунлари никоҳ, оилавий муносабатлар ва муҳаббат бобида қулай бўлади. Саёҳат, жисмоний машқлар ҳам эсдан чиқмасин.



Чаён. Ҳафта бошида никоҳ, шартнома, келишувларни амалга оширмаган маъқул. Бошлаган ишингизни давом эттириш учун кўп куч талаб этилади, бироқ натижадан хурсанд бўласиз. Пайшанба, жума кунлари омадли бўлади. Дам олиш кунлари фаоллик кўрсатиб, катталарни ранжитмасликни маслаҳат берамиз.



Эгизаклар. Ҳафта кўнгидагидек ўтиши учун катталар маслаҳатиға кулоқ тутинг, оғирроқ бўлганингиз маъқул. Ҳар жиҳатдан ишлар қайнаб кетади. Етти ўлчаб бир кесиш керак, йўқса озгина янглишиш қимматга тушиши мумкин. Молиявий етишмовчиликдан асабийлашмасдан, саломатликни ўйлаш лозимлигини эслатиб ўтаемиз.



Ёй. Ҳафта ҳар томонлама қулай ва омадли бошланади. Айниқса, ишқий муносабатларда кучқувват, ҳаракат ошади. Чоршанба куни Ёй-аёллар кутилмаганда совға, ютуқ олишлари мумкин. Ишонган кишингиз билан айтишиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Яқшанбада янги кучқувват тўплаш учун саломатлик ҳақида қайғуринг.



Қисқичбақа. Одатдагидан сустроқ бошланган ҳафтада майда-чуйда камчилик, эътирозларга эътибор бермаслик лозим. Эртанги кунга умид билан қараш ва ҳаракат қилиш шорига амал қилиш фойдали эканлиғига ҳафта охирида амин бўласиз. Айниқса, дам олиш кунлари роса терлашга тўғри келади. Энг муҳими, омад кулиб боқиши кутилляпти.



Тоғ эчкиси. Ҳафта бошида бирор ишни бошлашга ошқиманг. Аввалги хатолар такрорланмасин десангиз вазиятга қараб иш тутинг. Сиз кутмаган қарама-қаршиликлар, омадсизликлар бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ўткинчи қийинчиликлардан асабийлашмай, ўзингизни эркин тутиб, саломатлик ҳақида ўйлашни маслаҳат берамиз.



Арслон. Аввалдан тузилган режаларни ўзгартиришга тўғри келади. Тижорат, никоҳ, келишув тадбирларини озгина орта суришни маслаҳат берамиз. Саёҳат, жамоа бўлиб нишонланадиган маросимларнинг ҳам мавриди эмас. Лекин кўнглингиз чўкмасин, ўзингизни кўлга олиб, оила даврасида кунларни ҳар доимгидек ўтказаверинг.



Ковға. Баъзи англашилмовчилик, эътиборсизлик туфайли молиявий қийинчилик туғилиши мумкин. Ички ҳис-туйғуларга берилмай дадил ҳаракатда бўлинг, омад сизга кулиб боқади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида имкониятни қўлдан берманг, чунки қулай кунлар ҳар доим бўлавермайди. Меҳр ва мурувват йили эканлигини эслатиб ўтаемиз.



Бошоқ. Ҳафта давомида дадил ҳаракатлар билан бошлаб мақсад сари интилинг. Қийинчиликлардан қўрқманг, қарама-қаршиликларни енгиб ўтишга қурбингиз етади. Оқилона иш тутиб, яқинлар маслаҳатиға кулоқ тутинг фойдали. Дам олиш кунлари оила, рўзғор ташвишларининг ўзи сизга етарли бўлади.



Балиқ. Ҳафта бошида эҳтиёт бўлинг, кичик қарама-қаршилик катта жанжалга айланиши мумкин. Чоршанба куни хатоларни тушуниб, тўғри йўлга тушиб олиш имкони бўлади. Пайшанбани саломатликни тиклашга сарф этинг. Қариндошлик ришталарини мустаҳкамлаш вақти етди. Дам олиш кунлари кутилмаган хурсандчилик бўлиши мумкин.

ДУШАНБА

17

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериял.
9.40 «Нурли манзиллар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
10.05 «Камалак». Болалар ўқин кинодастур.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси дундорлар ансамблининг концерти.
11.55, 12.25 ТВ анонс.
12.05 «Кўрсатувдан кўрсатувгача».
12.30 «Дастурхон атрофида».
12.40 «Фил учун совга».
Мультифильм:
12.50 «Муеиқа дунёси»
13.10 «Табиат шифохонаси»
13.20 «Халқнинг кўнгли»
14.10 «Нотаниш ворис». Бадий фильм.
15.30 Жаҳон телекоммуникация кўниги. «Мувозана».
15.50 «Иқтидор». Телеуин.
16.40 «Ит уяси». Телесериял.
«Болалар сайёраси»: 17.05 1. «Ғаройибкентга саёҳат». 2. «Олтин тоғ». Телевизион ўйин.
18.10 «Трям-салом». «Акс-садо ҳақида эртак». Мультифильмлар.
18.25 «Кўшигимиз Сизга армуғон».
18.45 «Ўзбекистон адиблари». Т.Қайипберганаов.
19.05 «Мулкдор».
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. «Химмат».
21.25 «Бойсун жиллола-

ри». Видеофильм.
21.45 «Аср муаммоси».
22.05 «Аёл эрки». Теле-сериял премьераси.
22.45 «Ахборот-дайжест».
23.05-23.10 Ватан тим-соллари.

Ёшлар телеканаллари

16.55 Кўрсатувлар дастури
17.00 «Давр» хафта ичида
17.30 «Янги авлод» студияси: Соглом авлод
17.50 Ёшлар овози
18.10 Кўёшли юрт одамлари
18.30 Тафаккур ёлқинлари
18.45 Ишга марҳамат!
18.50 Олтин мерос
19.00 «Давр»
19.35 «Давр» - репортаж
19.50 Илдиш ва япроқ
20.10 Сув - ҳаёт манбаи
20.20 Мусикий лаҳзалар
20.30 ТВ-адвокат
20.40 «Ёлгон асираси» Телесериял
21.30 Кишлоқдаги тенгдошим
21.50 Олтин мерос
22.00 Давр
22.45 Спорт дастури: Интерфутбол
0.25-0.30 Хайрли тун.

Тошкент телеканаллари

17.20 ТТВда сериял. «Луиза Фернанда».
17.45 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс-телегазетаси».
18.15 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриқлаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериял.

«Бебилиска пул».
20.20 «Мурувват».
21.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.55 ТТВда сериял. «Индаба».
22.20 Кинонигоҳ. «Бинго-Бонго».
23.35-23.40 Хайрли тун, шахрим!

Sport телеканаллари

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар». (Рус тилида).
9.00 «Белбоғ кураш». Халқаро турнир.
9.40 Баскетбол. Ўзбекистон чемпионати.
10.10 «Микрокосмос».
11.20-13.00 Фильм «Та-титида учрашамиз»
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар». (Рус тилида).
17.15 «Спорт-антракт».
17.20 «Хазил кетидан хазил». Ҳажвий кўрсатув.
17.50 «Клон» Сериял.
18.50 «Миллионга кир ювиш».
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.30 Болалар спорти».
20.45 «Спортимиз маликалари».
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Бизнес-ревю».
21.20 «Спорт хафтаси».
21.50 Жаҳон спорти: «Профф-РИНГ».
22.50 «Янги ўйинчи» Бадий фильм.
1.00 «Тунингиз осуда бўлсин!».

30-й канал

16.55 гача профилактика ишлари
16.55 Оқшом эртаклари
17.00 «Телехамкор»
17.30 «Детский час»
17.50 «За счастьем», комедия
19.20 «Ошикона», мусикий дастури
19.50 «Рокировка», се-риал

20.50 «Спокойной ночи малыши»
21.00 «Телехамкор»
21.30 «Музыкальная пауза»
22.00 «Тупой и ещё тупее», комедия

ОРТ

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Фильм «Другая женщина, другой мужчина»
10.00 Док. детектив. «Звонок на большую перемену»
10.40 Следствие ведет Колобков
11.00 Новости
11.20 Комедия «Встретимся на Таити»
13.00 Город женщин
14.00 Новости (с субтитрами)
14.20 Сериял «Берег мечты»
15.20 «Угадай мелодию»
15.50 «Большая стирка»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.20 «Шутка за шуткой»
17.50 Сериял «Клон»
18.50 «Стирка на миллион»
19.00 Жди меня
20.00 Время
20.30 «Улицы разбитых фонарей»
21.35 «Ночные ястребы», 1-я серия
22.10 Искатели. «Убийство Столыпина»
22.40 «Фабрика звезд»
23.00 «Подорожник»
23.30 «Русский экстрим»
0.00 Боевик «Тумстоун»
2.05, 4.05 Фильм «Во имя отца»
4.00 Новости

РТР

2:00 «Доброе утро, Россия»
5:45 Сериял «Демон подлания»
6:50 «Аншлаг»
7:45, 10.50, 13.30, 21.15, 1.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
8:00, 11.00, 14.00, 17.00 ВЕСТИ.
8:30, 11.10, 13.40, 17.30

МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
8:50 «Что хочет женщина»
9:50 Сериял «Против течения»
11:30 «Частная жизнь»
12:30 Детектив «Пуаро Агаты Кристи»
14:10 ПРЕМЬЕРА. «Кулагин и партнеры»
14:40 Сериял «Тайга»
15:30 «Комиссар Рекс»
16:30 ПРЕМЬЕРА. «Пирамида»
17:50 «Спокойной ночи, малыши!»
17:55 Сериял «Команда «01»»
19:00 Сериял «Против течения»
20:00 «ВЕСТИ+»
20:20 ПРЕМЬЕРА. «Как убивали Павлика»
21:30 Фильм «Контрабандист»
22:45 Криминальная драма «Убийство»
0:20 «Дорожный патруль»
0:35 Канал «Евроныос» на русском языке.

НТВ

5:00 УТРО НА НТВ
7:50 «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД»
8:25 «БЕЗ РЕЦЕПТА». Доктор Бранд
9:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9:25 «НАМЕДНИ» с Л. Парфеновым
11:00 «СЕГОДНЯ»
11:30 Фильм «БРЭК-ПОЙНТ»
13:35 «ПРОТОКОЛ»
14:00, 16.00, 18.00 «СЕГОДНЯ» с О. Беловой
14:35 Ток-шоу «ПРИНЦИП ДОМИНО»
16:30 «ДИКИЙ МИР». «Акулы Юрского периода»
17:35 «ПРОТОКОЛ»
18:40 Сериял «ГОСПОДА ОФИЦЕРЫ», 1-я серия
18:45 Сериял «БАЛЬЗАКОВСКИЙ ВОЗРАСТ»
21:00 «СЕГОДНЯ» с М. Осокиным
21:35 «КРАСНАЯ СТРЕЛА»
21:45 Сериял «ДЕТЕКТИВ РАШ: ГРЕХ ГОРДЫНИ»
21:00 «СЕГОДНЯ» с М. Осокиным
22:00 Сериял «ОКРУГ КОЛУМБИЯ»
17.53 Формула здоровья.
17.55 Шоу рекордов Гиннесса.
19.30 «Личное время»
20.00 Сериял «НЯНЯ»
20.38 Формула здоровья.
20.40 Агентство криминальных новостей.
20.55 Сериял «НЕБЕСНЫЙ ВОЛК».
22.00 Сериял «ОКРУГ КОЛУМБИЯ»
22.00 Сериял «НЕБЕСНЫЙ ВОЛК».

22:55 Сериял «ГОСПОДА ОФИЦЕРЫ»
0:05 «СТРАНА И МИР».

ТВ 3

7.30 «Победоносный голос верующего»
8.00 Мультисериял.
8.30 Фильм «НЕ ГОРИЮ!»
10.30 Фильм «АСКАРИ»
12.30 Фильм «ИДЕАЛ»
14.30, 19.00 Док. сериял «Борьба за выживание»
15.00 Фильм «ЛЮБОВЬ ФРАНЦУЗСКАЯ И РУССКАЯ»
16.30 Фильм «ПРИРОЖДЕННЫЕ УБИЙЦЫ»
19.30, 2.30 Док. сериял «Великие иллюзии. Истории фокуса»
20.00 Фильм «КРЕСЛО ФОТОГРАФА»
22.00 Фильм «ПОТОМОК»
0.00, 3.00 Док. сериял «Кунсткамера»
0.30 Фильм «ПОСЛЕДНИЙ ДОН». 1-я серия.

ДТВ

8.30 Мультифильмы.
9.00, 19.00 Сериял «ДЕРЗКИЕ И КРАСИВЫЕ»
9.28 Формула здоровья.
9.30 «Личное время»
10.00 Агентство криминальных новостей.
10.15 Телемагазин.
10.45 Сериял «НЕБЕСНЫЙ ВОЛК».
11.55 Фильм «ВТОРОЙ ШАНС»
14.05 Ток-шоу «Девичьи слезы»
15.15 Мультифильмы.
15.55 Музыкальная программа.
16.50 Сериял «ОКРУГ КОЛУМБИЯ»
17.53 Формула здоровья.
17.55 Шоу рекордов Гиннесса.
19.30 «Личное время»
20.00 Сериял «НЯНЯ»
20.38 Формула здоровья.
20.40 Агентство криминальных новостей.
20.55 Сериял «НЕБЕС-

КОЛУМБИЯ».
23.00 Фильм «ВТОРОЙ ШАНС».
Хотира ва Кадрлаш куни арафасида “Динамо” жисмоний тарбия ва спорт жамияти энгил атлетика эстафетаси уюштирди. Эстафета пойтахтимиздаги кичик ҳалқа йўли бўйлаб ўтказилди. Саккиз километрлик масофани босиб ўтиб, республика МХХ жамоаси вакиллари маррага – “Динамо” ўйингоҳига биринчи бўлиб етиб келишди. Тошкент шаҳар ИИББ энгил атлетика-

чилари иккинчи ўринни эгаллашди. Фахрли учинчи ўрин эса республика ИИБ Академияси жамоасига насиб этди.

Спорт байрами фақат энгил атлетиканинг ўзи билан тугагани йўқ. “Динамо” ўйингоҳида футбол, тош кўтариш, пневматик винтовкадан отиш бўйича мусобақалар ҳам бўлиб ўтди. Энг ёш иштирокчилар “Кувноқ стартлар” баҳсларида қатнашишди.

Кўл жанги, ушу, акробатика ва энгил атлетика тўгаракларининг аъзолари эса кўргазмани чиқишлар намойиш этишди. Голиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, “Динамо” ЖТ ва СЖ фахрийларига ҳам совғалар топширилди.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: спорт байрамадан лавҳалар.

А. КЕНЖАЕВ олган суратлар.

БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР

Янгибозор тумани ҳокимлиги ва туман ички ишлар бўлими ҳомийлигида ёшлар ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Ҳашаматли ва замонавий услубда қурилган спорт-интернати залида 1988-1989 йилда туғилган ўсмирлар ўртасида белбоғли кураш мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Азамат Курбонов, Қудрат Бозорбоев каби ёш, умидли спортчилар муваффақиятли қатнашиб, шу йилнинг май ойида Наманганда бўладиган республика босқичига йўлланма олишди. Қизлардан Севара Полвонова ва Манзура Маткаримовалар ҳам шундай нуфузли мусобақада иштирок этишди. Ўтган йили “Баркамол авлод” мусобақасида фахрли иккинчи ўринни кўлга киритган Жўрабек Одамбоев, Жавлон Жумабоевлар ҳам республика мусобақаларига тайёргарлик кўрмоқда.

Ёшларни бу мусобақаларга тайёрлаш ишларида Назар Абдуллаев, Ҳусинбой Матқурбонов, Бекбергун Болтаев каби мураббийлар билан бир қаторда ички ишлар ходимлари, хусусан, профилактика инспекторларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.

ХОТИРА МУСОБАҚАЛАРИ

Янгиариқ туманида милиция катта лейтенанти, марҳум Кўпалбой Отажонов хотирасига бағишлаб волейбол бўйича ички ишлар бўлими ходимлари ўртасида мусобақа ўтказилди.

Унда бўлимнинг барча соҳавий хизматлари ўз кучларини синаб кўришди. Кўпалбой билан бирга хизмат қилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи ходимлари дўстининг руҳини шод этишиб, мусобақада пешқадам бўлишди. Хотира мусобақасида К. Отажоновнинг оила аъзолари ва яқинлари иштирок этишди, голибларга ўзларининг эсдалик совғаларини топширишди.

Тўлқин ТОЖИЕВ,

милиция лейтенанти.

Наманган вилояти ИИБ Жазони ижро этиш муассасаси тизимларидан бирида ички хизмат катта лейтенанти Оқилжон Холбоев, ички хизмат катта прапоршчиги Носиржон Аҳмаджонов ва ички хизмат кичик сержанти Отабек Норматовларнинг хотирасига бағишланган футбол турнири ўтказилди.

Турнирда олти жамоа биринчи тур баҳсларида ўзаро баҳслашдилар. Тур якунига кўра кейинги босқичга уч жамоа кўтарилди ва курашни давом эттирди. Мурасасиз беллашувлар натижасида В. Рашидов бошчилигидаги жамоа голибликни кўлга киритди. Иккинчи ва учинчи ўринлар мос равишда зобитлар таркиби ҳамда Н. Раҳмонов бошчилигидаги жамоага насиб этди.

Голибларга мукофотлар топширилди. Эътиборлиси, голиб жамоалар марҳум ҳамкасблари оилаларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатдилар.

Х. ИКРОМОВ, ички хизмат майори.

Нодирбек эндигина 10 ёшга тўлди. Аммо у ёш бўлишига қарамадан ўзининг эпчил, ҳаракатчанлигини намойиш этиб келмоқда. Бир неча йилдан буён спортнинг каратэ тури билан шуғулланиб, тенгдошлари орасида яхши натижаларга эришди. Вилоят, республика ва хорижда ўтказилган мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллашга эришди.

Нодирбек Самижонов 2003 йилда каратэ бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон III чемпионатида бронза медали соҳиби бўлди. Шу йилнинг апрель ойида Қашқадарё вилояти каратэ

НОДИРБЕКНИНГ ОМАДИ

спортни бўйича вилоят кубогида биринчи ўринни эгаллаб, олтин медални кўлга киритди.

2003 йилнинг декабрида Словенияда каратэ бўйича жаҳон кубогида иккинчи ўринни олди, шунингдек, кубок соҳиби бўлди. 2004 йилда болалар ва ўсмирлар ўртасидаги Ўзбекистон IV чемпионатида ҳамда АҚШнинг Атланта шаҳрида жаҳон кубогида қатнашиб, қумуш медалларга сазовор бўлди.

Ҳа, Нодирбекнинг бу ютуқлардан қувончи чексиз. Айниқса, бу соҳада устозлари Алишер Содиков, Соҳиб Очиловлардан миннатдор. У

ҳозирги пайтда Китоб туманидаги Зулфия номли мактабнинг 4-синфида аъло баҳоларда ўқиш билан бир қаторда каратэ машғулотида жон-дили билан қатнашмоқда.

– Республикамиз Президентининг болалар спортини ривожлантириш тўғрисидаги Фармони биз ёшлар учун айна муддао бўлди, – дейди Нодирбек Самижонов. – Биз бунга амалий машғулоти билан жавоб беришимиз лозим. Тинимсиз шуғулланишим ва изланишим керак. Акс ҳолда рақибларимдан ортда қолиб кетаман. Келгусида халқимиз осойиштали-



гини таъминлаб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жонбозлик кўрсатаётган мард ва жасур ички ишлар ходими бўлишни ният қилганман. Бунинг учун соғлом ва бақувват бўлишга интиламан.

Ҳусан РАҲМОНОВ,

Суратда: диплом ва кубок соҳиби Нодирбек Самижонов.

Муаллиф олган сурат.

ФУТБОЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

● “Пахтакор” жамоаси икки ўйинчисидан ажралиш арафасида турибди. Лекин бундан жамоа раҳбарлари хафа эмас. Чунки ҳар икки футболчи – Марат Бикмаев ва Александр Клецков машҳур “Интер” жамоаси кўригидан ўтиш учун Италияга жўнаб кетишди. Улар жамоа ихтиёрида икки ҳафта машғулотларда иштирок этишди. Агар иқтидорли футболчиларимиз “Интер” клуби раҳбарияти ишончини қозона олишса, клуб билан шартнома тузишлари мумкин.

● 2004 йилги Ўзбекистон кубогининг нимчорак учрашувлари бўлиб ўтди. Натижалар якунига кўра, “Пахтакор”, “Нефтчи”, “Машъал”, “Бухоро”, “Қизилқум”, “Локомотив”, “Трактор” жамоалари чорак финалга йўллангани кўлга киритдилар. Саккизинчи жамоа эса 15 майда бўладиган “Цементчи” – “Сўғдиёна” учрашувидан сўнг маълум бўлади.

● Мамлакат Олий лигасининг 9-тур учрашувлари 13 ва 14 май кунлари ўтказилади. “Нефтчи” – “Трактор” (13 май); “Насаф” – “Бухоро”; “Навбахор” – “Сўғдиёна”; “Қизилқум” – Самарқанд-Д; “Андижон” – “Пахтакор”; “Локомотив” – “Машъал”; “Сурхон” – “Металлург”.

● Мамлакатимиз миллий терма жамоасининг маслаҳатчи мураббийи Юрген Гёде Россия жамоаларида ўйнаётган легионерларимиз билан юзма-юз ва дилдан гаплашиб олиш учун Ростов-Дон ва Москва шаҳарларида бўлди. Мураббийнинг хабар беришича, футболчилар билан ҳам, уларнинг мураббийлари билан ҳам бўлиб ўтган мулоқотлар ниҳоят даражада самимий ва ишчан руҳда ўтган. Барча мураббийлар ўз футболчиларини зарурат туғилган вақтда терма жамоа ихтиёрига юборишларига ваъда беришди. Мураббийнинг кейинги сафари Қозоғистон тарафларга бўлади.

● Осиё Чемпионлар лигасида иштирок этаётган “Нефтчи” ва “Пахтакор” жамоалари кейинги босқич масаласини икки хил ҳал этдилар. Кейинги учрашувдан қатъий назар фарғоналиклар навбатдаги босқичга чиқиш имкониятидан маҳрум бўлишган бўлса, “Пахтакор” мuddатидан аввал бу масалани ижобий ҳал қилиб бўлди.

● Европа Чемпионлар лигаси ярим финалининг жавоб учрашувлари бўлиб ўтди. “Депортиво” – “Порту” – 0:1; “Челси” – “Монако” – 2:2. Умумий ҳисобга кўра 26 май куни Германиянинг Гильзеркирхен шаҳрида ўтадиган финал учрашувида “Порту” ва “Монако” жамоалари куч синашадиган бўлишди.

● Чеченистон Президенти Аҳмад Қодировнинг ўлими нафақат бутун дунё сиёсатдонларини, шунинг билан бирга дунё спорт аҳлини ҳам қайғуга солди. Жуда кўпчилик спорт мутахассислари Президентнинг ҳалокати республика спортига ҳам катта зарба бўлганлигини таъкидлашмоқда. Чунки Аҳмад Қодиров ўз фаолиятининг бир қисмини “Терек” футбол клубига ҳам бағишлаган, яъни ушбу клуб президенти ҳисобланарди.

Хизматларда

Қашқадарё вилояти республикамининг иқтисодий ривожланган минтақаларидан бири бўлиб, ҳудудда асосий давлат аҳамиятига молик йирик иншоотлар жойлашганлиги билан ажралиб туради. Ана шу муҳим иншоотларни кўз қорачиғидай асраш, қўриқловини таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар ҳақида вилоят ИИБ "Қўриқлаш" бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги Маҳмадзод Равшанов билан суҳбатлашдик.

МАСЪУЛИЯТНИ ОШИРИШ МАВРИДИ

— Бугунги кунда вилоятимиздаги қўриқловга олинган иншоотлар сони саккиз юз олти биттани ташкил этади. Марказлашган қўриқлаш пултига уланган хонадонлар сони ҳам сўнгги пайтларда бир қадар ортди. Қўриқланаётган объектларнинг 6 таси ўта муҳим ва тоифаланган иншоотлар қаторига киритилган.

Ходимларимиз асосан давлат, жамоат ва фуқаролар хонадонлариданги мулкларни жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш билан бирга жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш борасида ҳам бир қанча ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Фан-техника шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда қўриқлов соҳасида ҳам илғор технологияларни қўллаш, мулкларни ишончли қўриқлаш самарадорлигига эришиш ишмизнинг асосини ташкил этмоқда. Хизматнинг моддий-техника негизини такомиллаштириш, сигнализация, алоқа воситалари, автотранспортлар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Қўриқлаш бошқармаси, асосан, корхона, ташкилот ва бошқа турли муассасалар билан шартнома асосида фаолият кўрсатади.

Кейинги йилларда бўлимларимиз томонидан қўриқланаётган иншоотларда бирорта жиноят содир этилмаётганлиги туфайли биз билан ҳамкорлик қилувчилар сони ортмоқда. Ишимиздаги манфаатдорлик мижоз хоши-иродасини тўлиқ кафолатлайди. Таассуфки, ҳамма ҳам бундан бирдек тушуниб етган эмас. Айрим корхона ва савдо дўконлари эгалари ўз маблағларини тежайман деб баъзи ҳолларда надомат чекиб қолмоқдалар. Халқимизда "Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ" деган гап бежизга айтилмайди.

Қўриқловга олинган иншоотларда, асосан, ташмачилик кўп содир этиладиган ҳуқуқбузарлик ҳолатларидан ҳисобланади. Ходимларимиз шу йилнинг уч ойида 665 та майда талончилик ҳолатларини аниқладилар. Натижада умумий миқдори 5 миллион 672 минг сўм бўлган моддий-товар бойликлар талон-тарожлиги тўхтатиб қолинди. Ташмачиларга нисбатан эса судлар томонидан 2 миллион 891 минг сўм миқдорида жарима чоралари қўлланилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятимизнинг ҳар бир ҳудудда жойлашган халқ хўжалиги иншоотларида майда ташмачиликнинг олди тўлиқ олиналмапти, деб бўлмайди. Бунда

ўша жойлардаги ташкилот раҳбарлари масъулиятини ошириш зарур. Тома-тома кўл бўлиб деганларидек, ушқоқдек ташмачиликдан катта талон-тарожликлар юзага келиши мумкин.

— Оддий ва кичик бошлиқлар ҳамда шахсий таркиб ҳуқуқий маданияти ва билимини оширишда ижтимоий-сиёсий ўқув машғулотларини юқори савияда ўтказишга асосий эътиборни қаратмоқдамиз. Шу ўринда мураббийчилик аънаналари амалда ўз самарасини бераёпти. Мустақил Ватанимизда қабул қилинаётган янги қонунлар ҳақида тушунчалар ҳосил қилишда замонавий адабиётлардан кенг фойдаланилмоқда. Юртбошимизнинг ёшларга катта эътибор қаратаётганлиги, уларни истиқлол мафқураси руҳида шакллантириш, маънавий дунёсини миллий қадриятлар туйғуси билан бойитишга, шунингдек, уларнинг хорижий мамлакатларда таълим олишларига ғамхўрлик кўрсатаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Ходимлар моддий рағбатлантирилмоқда. "Меҳр ва мурувват йили"да фахрийларимизга 420 минг сўм миқдорида кўмак берилди. Ногирон ва бемор фахрийларимиздан хабар олиб турибмиз. Шунингдек, мамнунлик билан таъкидлашни истардимки, Қарши алоҳида милиция батальони милиционерни, милиция сержанти Баҳодир Мансуров бир неча йилдан бери республика ички ишлар идоралари ўртасида иштирок этиб келмоқда. У 2002 йилги танловнинг олий даражали дипломи билан тақдирланди.

Ҳали олдинда бажарадиган ишларимиз кўп. Ватанимизнинг тинчлиги, элимизнинг осойишталиги йўлида бутун куч-ғайратимизни сарфлайверамиз.

Ҳ. ҲАЙДАРОВ ёзиб олди.

КАСБИНИ АРДОҚЛАГАН ИНСОН

Туман ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи, ички хизмат майори Абдурашид Маҳкамовни Ёзёвон ва Охунбобоев туманларида танимайдиган киши йўқ. Ярим асрлик умрининг қарийб 30 йилини халқ хизматида бағишлаган бу заҳматкаш инсон ўз ҳаёт йўли ҳақида шундай ҳикоя қилади:

— Ҳарбий хизматни тамолаб келганимдан сўнг Фарғонадаги Нефтни қайта ишлаш заводи қошидаги ҳарбийлаштирилган ёнғин ўчириш қисмига ўт ўчирувчи бўлиб ишга жойлашдим. Бу касб менга ёқиб қолди. Ишга бўлган қизиқиш, ҳар бир топшириқни ўз вақтида бажаришим, умуман, чаққон хатти-ҳаракатларим

момладим. Вилоят раҳбарияти мени Охунбобоев тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлинмасига нозир этиб ишга тайинлади. Кейинчалик Ёзёвон тумани ИИБ ЁХБ гуруҳ раҳбари бўлиб фаолият кўрсата бошладим. Вақт ўтиши билан бу гуруҳ бўлинмага айланиб, унга ҳанузгача бошчилик қилиб келаяпман.

Ўтган давр мобайнида анча-мунча шогирдлар етиштирдим. Тўрт ўғил ва икки қизим бор. Набираларим бағримда. Оиламизда менинг хизматимга ҳавас қилганлар кўп. Укам Абдусаттор Маҳкамов ҳозирда Охунбобоев тумани ИИБ терговчиси, милиция майори. Ўғлим Нурилло эса Ёзёвон туманида профилактика инспектори. Яқинда у вилоятда



раҳбарларда илиқ таассурот уйғотди, шекилли илк устозим, бошлиғимиз, ички хизмат капитани Иброҳим аканинг тавсияси билан Тошкентдаги Ёнғин хавфсизлиги ходимларини тайёрловчи курсга ўқишга кирдим.

Шу ўринда бир фожиали воқеани тилга олиб ўтсам. Ўқиётган пайтимда, 1977 йили заводда катта ёнғин содир бўлди. Ёнғинни ўчиришда кўплаб жароҳат олганлар қаторида устозим ҳам борлигини эшитиб қолдим. Курс раҳбаридан рухсати олиб, у кишини кўргани касалхонага келдим. Устозимнинг юз-кўзлари, умуман танасининг кўп қисми ёнғиндан жароҳатланган, юзи дока билан боғланган ҳолда каравотда ётарди. Аммо руҳи тетик эди. Иброҳим ака овозимдан дарҳол таниди. Ўзи оғир аҳволда ётибди, ўқишим билан қизикди. "Ҳар қандай касбнинг ўз машаққати бор. Аммо бизда шунақа... баъзан талофатлар ҳам бўлиб туради. Сен бундан чўчима! Жасур ва мард бўл. Яхши ўқиб, хизматингга қайт!" — дея дуои фотиҳа бердилар. Афсуски, ёнғинда қисм командиримиз, ички хизмат капитани Григорий Станников ва бошқа айрим хизматдошларим ҳалок бўлишган экан. Ҳали-ҳануз уларнинг хотиралари кўз ўнгимдан нари кетмайди. Иброҳим ака эса оғир жароҳат олгани туфайли узоқ пайт даволаниб, нафақага чикди. Ҳозир ўғил-қизлари, набиралари бағрида.

Ўқишни муваффақиятли та-

ўтказилган милиция таянч пунктлари танловида голиб чиқиб, мукофотга сазовор бўлди. Ўғлимнинг ютуқларидан қувонаман, албатта.

Кўп ҳолларда бир нарсага ҳайрон қоламан. Айниқса, бизнинг шароитимизда одамлар ёнғинга жуда беҳафсалалик билан қарашади. Ёнғиннинг олдини олиш ўрнига қайсидир хонадон, ташкилот ва корхонада ёнғин содир этилгач, у ҳақда аюҳаннос сола бошлашади. Ҳолбуки, ёнғин — тилсиз ёв, офат. Уни ўчиришдан кўра олдини олган яхши. Шунинг учун бу соҳа қоидаларига талаб ҳамма учун бир хил, қатъий. Радио ва газеталарда чиқишлар қилишдан ташқари йўл ёқаларига ҳам катта паннолар ўрнатганмиз. Ўт ўчириш қисмидаги 40 нафар ходим ва барча ўт ўчириш машиналари ҳар доим хизматга шай.

Абдурашид ака фидойилиги билан эл-юрт хурматида сазовор бўлиб келмоқда. Вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги Чори Мингзиёев у ҳақда шундай дейди:

— Абдурашид Маҳкамов жонкуяр, касбига садоқатли, ўзи ва ҳамкасбларига нисбатан талабчан, меҳрибон инсондир. У киши ўз касбини ардоқлагандек, биз ҳам ана шундай инсон билан бениҳоя фахрланамиз.

М. КИМСАНБОЕВ.

Суратда: Ёзёвон тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи, ички хизмат майори А. Маҳкамов.

Муаллиф олган сурат.

КИНОЛОГИЯ ХИЗМАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Халқ осойишталигини таъминлаш, содир бўлган жиноятларни тезкорлик билан аниқлашда кинология хизматининг ёрдами бениҳоя каттадир. Кейинги йилларда республика ИИБ раҳбарияти бу соҳанинг ривожига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Яқинда республика ички ишлар идоралари тизимидаги кинология хизматининг ўн нафар ходими Россия Федерациясининг Ростов шаҳридаги хизмат итларини тайёрлаш махсус мактабида малака ошириб қайтишди. Улар орасида Хоразм вилояти ИИБ хизмат итлари питомниги кинологи, милиция сержанти Оллаберган Эгамбердиев ҳам бор эди. У ўзининг "Юдис" лақабли хизмат ити билан тўрт ярим ой мобайнида машғулотларда фаол иштирок этди. Яқунлаш босқичида Оллаберган ҳамда унинг "Юдис"и юқори кўрсаткичга эришиб, имтиёзли диплом ҳамда "Фахрий ёрлик" билан тақдирланди.

— Буюк алломалардан бири "Тажриба—йўлингиздаги нурафшон шамчироқдир", деб ёзганди, — дейди милиция сержанти О. Эгамбердиев. — Ростов шаҳрида бўлганимда бу сўзнинг нақадар ҳақ эканлигига амин бўлдим. У ерда бизни илиқ кутиб олишди. Ҳамкасбларимиз билан касб маҳоратларимизни оширдик. Ростовдаги ҳар бир кунимиз ниҳоятда самарали ва мазмунли ўтди...

Тажрибали кинолог, милиция сержанти Оллаберган Эгамбердиев йўлақда ўз итлари билан турган ёшларни таништирди: — Булар Урганч маиший хизмат кўрсатиш коллежининг кинология факультети талабалари. Питомнигимизда амалий машғулотларини ўтказишмоқда.

Қирқ нафарга яқин талабалар қатнашаётган машғулотларнинг қизғин ўтаётганлиги бу хизматнинг келажаги ишончли қўлларда эканлигидан дарак беради.

Худойберган ЖАББОРОВ.



Суратда: Хоразм вилоят ИИБ хизмат итлари питомниги кинологи милиция сержанти Оллаберган Эгамбердиев талабалар Диана Ермаленко (чапда), ҳамда Моҳира Рўзимовалар билан машғулот пайти.

Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.

ИШ ҚУРОЛИНГ СОЗ БЎЛСА...

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи юртимизнинг йирик sanoat корхоналаридан ҳисобланади. Унда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ишчилар ўртасида тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари кенг қўламда олиб борилмоқда. Ёнғинларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишда ўт ўчириш техникаларининг роли алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди

замонавий ёнғин ўчириш техникалари билан таъминланган. Уларга беришган ҳайдовчиларнинг ва техник-муҳандис ходимларнинг касб маҳорати, билим савиясини ошириш мақсадида мунтазам ўқув машғулотлари ўтказилаёпти. Автомобилларга ўз вақтида тегишли техник хизматлар кўрсатилиб, уларни доимо соз ва жанговар ҳолатда сақлаш учун барча керакли чоралар кўрилмақда.

Завод раҳбарияти томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобай-

нида ёнғин ўчириш техникаларига эҳтиёт қисмлар олиш учун зарур маблағ ажратилди. Корхона раҳбарлари ҳамда мутасадди ходимлари томонидан мавжуд ёнғин ўчириш техникаларининг ҳолатига кўпроқ эътибор берилиши, уларни ёқилғимойлаш махсулотлари ва эҳтиёт қисмлар билан мунтазам таъминлашни содир бўлган авария ва ёнғинларни тез ва талофатсиз бартараф этилишининг гаровидир.

Ш. УЗОҚОВ,
ички хизмат капитани.

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

Бугун биз соғлом турмуш тарзи ҳақида кўпроқ ўйлай бошладик. Бунинг асосий гарови эса тўғри овқатланиш эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун турли озиқ- овқатлар, дармондорилар ва минераллар жуда қадрли бўлиб борапти. Табиат организм учун зарур бўлган моддаларни меъёрида ушлаб ҳамда тўлдириб турадиган ўзига хос митти мўъжиза яратган. Бу – бедана тухумидир. Ана шу миттигина тухумчалар ҳақиқий саломатлик гарови бўлиб ҳисобланади.

Митти Мўъжиза

ОЗГИНАЮ СОЗГИНА

Кичиккина бўлса ҳам бедана тухумлари кўп жиҳати билан биз ўрганиб қолган товуқ тухумларидан устун туради. Оғирлиги битта товуқ тухумига тўғри келадиган бешта бедана тухуми таркибида беш баробар кўпроқ қалий, 4,5 баравар кўп темир моддаси, 2,5 баравар кўпроқ В₁ ва В₂ дармондорилари мавжуд. Ундаги А дармондориси, никотин кислотаси, фосфор, мис, кобальт, турлитуман аминокислоталар эса янада кўпроқ. Бундан ташқари, бедана тухуми оксил моддасига ҳам бошқа қушларникига қараганда бойроқ. Улар инсон учун керак бўлган биологик моддалар билан бойитилган, холестерин эса деярли йўқ даражада.

Инсонда бедана тухуми истеъмол қилинса шифо бўладиган касалликлар сони кўп. Ошқозон-ичак йўли касалликлари, айниқса, ошқозон яллиғланиши ҳамда гастрит, кучли бош оғриқлари, сурункали пневмония, сил касаллиги, қон босимининг пастлиги ҳамда баланглиги, кўз хасталиклар шулар жумласидандир.

Тухумни истеъмол қилиш йўли жуда оддий: болалар уни кунига 2-3 тадан, катталар 4-5 тадан овқатланишдан ярим соат олдин хомлигича ичишлари керак.

ЯПОНЛАР БИЛАДИ

Кўёш чиқар юрт илгаридан кичик нарсадан ҳам катта фойда кўриши билан танилган. Японияда бедана боқиш бошиданок радионуклидларни чиқариб ташлашга самарали ёрдам берувчи маҳсулотлар излаш билан боғлиқ бўлган.

Хиросима ва Нагасакига атом бомбаси ташлангандан кейин бу ерлик шифокорлар бедана тухумининг болалар ақлий фаолиятининг ривожланишига ижобий таъсир қилишини аниқлашди. Япония ҳукумати эса мамлакатнинг 12 та асосий қонунларидан бири сифатида гаройиб қонунни кучга киритди. Унга кўра болалар, иложи бўлса катталар ҳам ҳар кун (2-3 тадан) бедана тухуми истеъмол қилишлари керак.

Бедана тухумини узоқ вақтгача сақлаш мумкин. Хона ҳароратида уни 30 кунгача, музлаткичда эса 60 суткагача сақласа бўлади. Бунга сабаб тухум таркибида лизоцин аминокислотаси кўплигида. Бу модда инсон организми ишлаб чиқармайдиган саккизта муҳим аминокислоталаридан биридир. Лизоцин инсон организмида микрофлора ривожланишининг олдини олади. Лизоциннинг, шунингдек, онкологик касалликларни даволашдаги самараси ҳам аниқланган.

Бедана тухумининг яна бир ажойиб хусусияти шундаки, у сальмонелла микроби билан зарарланмаган. Афсуски, бугунги кунда товуқ тухумини яхши қовурмасдан ейиш оқибатида сальмонеллезга чалиниб қолиш мумкин. Бедана тухуми истеъмол қилинганда эса бундай ҳол рўй бермайди. Чунки бедананинг ошқозони ҳарорати товуқникига қараганда юқорироқ бўлади. Бундай ҳарорат остида сальмонеллез кўзгатувчи микроблар ўлади. Ўши катта беданалар деярли ҳеч бир хастликка чалинмайди. Айнан шунинг учун бедана тухумини кўрқмасдан хомлигича истеъмол қилишимиз мумкин. Устига устак, улар хом ҳолда кўпроқ фойдалидир.

Аммо бедана тухуми фойдали экан деб, табит қонунларини бузган ҳолда, тегишли қонун-қоидаларга амал қилмасдан бу чиройли жониворга қирон келтириш ҳам нсонийликка тўғри келмайди.



КОНИ ШИФО

● Агарда ошқозонингиз фаолиятдан нолисангиз, бедана тухуми пўчоғини олиб майдаланг. Учдан бир чой қошиқ майдаланган пўчоғни тилга қўйиб сувга қўшиб ичиб юборинг. Муолажани кунга камида 2 марта такрорлаш зарур.

● Организмининг умумий бақуватлаштириш ва иммунитет (қаршилик қобиляти)ни тиклаш учун бедана тухумини хом ҳолида эрталаб ва кечкурун учтадан 40 кун мобайнида ичиш керак. Зарур бўлса, даволашни яна қайтариш лозим.

ТОВУҚ ТУХУМИ

Биз бедана тухуми ҳақида шунча кўп яхши гаплар ёздикки, кишида фақат у энг фойдали ҳисобланади деган тушунча пайдо бўлади. Айни пайтда оддийгина товуқ тухумининг ҳам шифобахшлик хусусиятлари кўплигини билиб қўйган яхши. Қадимдан халқ табобатида товуқ тухумига асосланган кўплаб муолажалар мавжуд. Уларнинг барчасини санаб чиқишнинг иложи йўқ. Шунинг учун биз энг диққатга сазоворлари устида тўхталиб ўтамиз.


КАЛЬЦИУНИТ

Тухум ёрдамида ҳосил қилинадиган энг кўп тарқалган дори кальциунит бўлса керак. Ундан турли хил юқумли касалликлар ва шамоллашни даволашда, оғир касалликлардан сўнг, операция, синишлар, асабий зўриқишлардан кейин, организмга кальций моддаси етишмаси, суяк, тиш ва соч мўрт бўлиб қолганда фойдаланилади. Кальциунит лимон кислотасида эритилган тухум пўчоғидан олинган органик кальций бўлиб, уни истеъмол қилганда 97 фоизи организмга сингади. Бошқа маҳсулотлардаги кальцийнинг эса жуда оз миқдори сингади. Кальциунитни тайёрлашнинг бир неча хил йўллари бўлиб, сизга улардан энг осонини тавсия этамиз. 5 та тухумни яхшилаб ювиб, уч литрлик банкага солинади. Устига тухумларни бармоқ қалинлигича қоплагундек қилиб лимон шарбати қўйилади.

Банкани мато билан ёпиб, бир ҳафта музлаткичда сақланади. Етти кундан кейин тухумларнинг пўчоғи эриб, парда билан ёпилган ҳолга келади. Пардаларни эҳтиёткорлик билан олиб ташлаб, қолган суюқликни сиздириб тиндирилади. Кейин унга 2 стакан асал ва бир стакан ароқ (коньяк ёки кагор виноси) қўйилади. Ҳаммаси яхшилаб аралаштирилади. Ҳосил бўлган аралашмани кунига 4 маҳал бир ош қошиқдан ичиш керак.

ТУХУМЛИ ЧОЙ ҚОН ТОМИРЛАРИНИ ДАВОЛАЙДИ

XIX асрнинг охирларидан бери Японияда қон томирлари иш фаолиятини яхшилаш учун тухумли чойдан фойдаланилади. Албатта, бу ғалати эшитилиши мумкин, лекин бундай чойни ҳар қандай киши тайёр-



лаши мумкин. Бунинг учун иккита тухум саригини ажратиб, яхшилаб аралаштириб, пиёлага солинади ва устига бир чой қошиқ кўк чой кукуни қўйилади, сўнг яна яхшилаб аралаштирилади. Қарабсизки, чой тайёр. Уни дарҳол ичиб юборинг. Бу мазали бўлмасида, қонингизда фойдали холестерин миқдори кўпаяди. У эса атеросклерозга олиб келувчи томир деворларининг қотиб қолиши олдини олади. Бундай натижа кўк чойда полифенал ва

● Астма ҳамда аллергияни даволаш бўйича тавсия: бедана тухумини чақиб, озгина асал билан аралаштирилади. Овқатдан уч соат олдин – эрталаб битта ва кечкурун иккитадан истеъмол қилинади. Даволаш 40 кун давом этади, 14 кунлик танаффусдан кейин даволаш яна такрорланади.

● Ҳароратни тез тушуриш учун 100 мл. ароққа 5 дона хом тухум ва бир ош қошиқ шакар қўйилади. Буларнинг ҳаммасини яхшилаб аралаштириб ичилади.

тухум сариги таркибида лицетин моддалари борлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, ушбу ичимлик қон босимини туширади.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Куйган жойлар, йирингланган яра ва жароҳатларга майдаланган карам барги ва пишмаган тухум оқидан қилинган бўтқа қўйилса тез битади. Куйган жойларга тухум оқининг ўзини сурса ҳам бўлаверади.

● Қадимдан дизентерия (ич кетиши)ни даволашда сирка қўшилган сувда қайнатилган тухумдан фойдаланилади. Бир кунда бундай усулда пиширилган 3 та тухум ейиш лозим. Оддий ич бузилишида эса озгина туз сепилган тухум оқи истеъмол қилинади.

● Йўтал ва ўпка касалликларида иккита хом тухум сариги, икки чой қошиқ саригё, бир десерт қошиғида ун ва икки десерт қошиғида асалдан тайёрланган аралашма ёрдам беради. Ушбу дорини бир кунда беш маҳал бир десерт қошиқдан истеъмол қилинади.

● Псориазда тўртта пиширилмаган тухум сариги, 100 грамм қайин қарамойи ва 50 грамм қаймоқ қўшиб ҳосил қилинган малҳамдан фойдаланилади. Малҳамни зарарланган жойларга суртиб, қолгани теридан зардоб билан ювиб ташланади.

Бир жиноят тарихи

Назар ота тонгда бедана овлашни хуш кўради. Айниқса, сойнинг нариги томонидаги бедапояда сайраётган беданалар унинг ақлини ўғирлади. Бомдод намозидан сўнг атайин сой бўйига келиб, беданаларнинг овозини кунт билан тинглайди. Беданаларнинг ҳам сайраши турлича. Назар ота уларни сайрашига қараб турига ажратади. Масалан, шошилмай, секин сайраётган бедананинг номи "Тоблама". Жарангдор овоз билан тез-тез сайраётгани — "Югуртма". Назар ота ана шу югуртма беданаларни яхши кўради. Афтидан, бу бедапояда ҳеч ким бедана овламапти, шекилли. Акс ҳолда ҳар куни бир хил овозларни эшитиб бўлмасди. Назар ота беданаларнинг сайрашига қараб уларнинг нечталигини ҳам билади. Уч кундан буён роппа-роса тўққизта бедана сайрапти. Оқсоқолнинг сабри чидамади. Уйига кириб, отхонадан отни олиб чиқди. Одатда у киши отни эгарсиз минади. Шундай қилинса, киши дард кўрмас эмиш. Отадаги куч-қувват уни минган одамга ўтар экан. Бу гапда жон борга ўхшайди. Боиси, Назар ота етмиш олтига кирса ҳам бирор марта касал бўлмаган, ёш йигитлардек далада кетмон чопади.

Отахон отни миниб, елкасига бедана тўрини илиб олди. Соининг у томонига ўтиш учун соҳил бўйлаб бир оз юриш керак. Саёз жойдан от бемалол сувни кечиб ўта олади. Жонивор ҳам эгаси қаёққа бошлаганлигини фаҳмлагандек бир маромда йўргалайди. Ҳозир айна пайти. Ҳали замон кўёш чиқса, беданалар сайрамай қўйиши мумкин. Назар ота ана шундай хаёллар билан борарди. Кутилмаганда от олдинги икки оёқларини баланд кўтариб, кишнаб юборди. Сал бўлмаса отдан тушиб кетаёзган оқсоқол бақирди:

— Ҳе, ярамас. Тинчлан. Нима жин тегди сенга?
От ҳаловатини йўқотгандек олдинги бир оёғида ерни депсинар, бошини сарак-сарак қилганча, галати овоз чиқарарди. Назар ота оёқлари билан унинг биқинига ниқтади. Жонивор икки ёнга бурилишни истар, отахон эса уни тўғри йўлга солишга уринарди. Аммо,

оқсоқолнинг ҳаракатлари зое кетди. У отни буриб, йўлни бир оз четлаб ўтди. Шундагина от боягидек бир маромда юра бошлади. Назар отанинг хаёлидан: "ўша жойда бир гап бор" деган фикр ўтди.

Отахон бедапояга етиб борганида беданалар сайраши авжига чиққан

Назар ота боя келган йўли билан ортига қайтди. Жонивор тихирлик қилган жойга келганида отахон яна отни тикка солди. От олдингидек ҳаракат қилиб, ўзини икки томонга ташлаб бошлади. "Бу жойда бир гап бор, — ўйлади Назар ота. — Кумни ковлаб

ота. — Бола бўғиб ўлдирилган. Шундай экан, бу ишни кимдир қасддан қилган. Жиноятини яшириш учун кумга кўмиб қўйган. Бу сирнинг сирлигича қолишини истаган одам иложидан борича бола яшайдиган жойдан узокни кўзлайди.

Шу пайт туман ички ишлар бўлимидан бир гуруҳ ички ишлар ходимлари етиб келишди. Кимдир мурдани суратга туширди, бошқаси эса Назар отадан гап олди. Хуллас, болани ўзлари билан олиб кетишди. Мурданинг топилиши

ланди. Бечора бола ҳақиқатдан ҳам қирғизистонлик экан.

Тез орада ҳаммаси аниқланди. Воқеа эса қуйидагича бўлган экан.

Талъат исмли бола ота-онасининг қистови билан кўшненикига омон сўраб чиқади. Кўшнени бир қақиради, икки қақиради, ичкаридан садо чиқмайди. Индамай омонни елкасига осиб, ортига қайтаётганида ичкаридан қандайдир овоз эшитилади. Бола ҳайрон бўлиб, нариги уйнинг эшигини очади. Очади-ю, кўшни аёлни

— Ўчир овозингни. Ҳеч ким билмайди, — ўшқирди бегона эркак.

У шундай деб болани шартта кўтариб, ўринга иргитди. Унинг устига кўрпани ташлаб, димиктира бошлади. Аёл тинмай йиғлар, эркак эса ор-номусини шу йўл билан сақлаш истагида боланинг жонига қасд қилишда давом этарди. Бегунох болакай бир-икки типирчилаб, сўнг жимиб қолди. Терга ботиб кетган бояги киши аста кўрпани очди.

— Ҳалиям ўлмабди. Уни ўлдиришимиз керак, — дея боланинг томоғидан бўға бошлади. Ҳатто кимирлашга ҳам мадори қолмаган бола икки бетафвиқнинг гуноҳ ишлари сингиб кетган наҳс кўрпада жон берди.

Бу воқеани сир тутиш учун жасадни йўқотиш керак эди. Адирга олиб чиқиб, ўт қўйиб юборишнинг иложи йўқ. Кимдир кўриб қолади. Сойга ташлаб юборган билан ўлиги топилиб қолиши мумкин. Улар ўйлай-ўйлай жасадни узокроққа, яъни Хонобод шаҳри яқинидаги қишлоққа олиб боришди. Қорадарё соҳилидаги кумликка мурдани кўмишди...

Шундай қилиб, олис бир қишлоқда юз берган мудҳиш воқеа ўз ечимини топди. Қотиллар Қирғизистон Республикаси қонунларига биноан жазога тортилдилар.

... Назар ота бугун ҳам бомдод намозидан сўнг отини миниб, сой томонга юрди. Икки кундан буён сойнинг у тарафида "югуртма" бедана сайрайди. Кечувдан шундоққина ўтса — бедапоя. У ана шу хаёл билан отни кумликдан иборат соҳил томон солди. Назар ота Талъатнинг мурдаси кавлаб олинган жойга етиб келганида сергак тортиди. От эса бамайлихотир йўлида давом этди. Отахон отининг ёлини эркалаб силади-да, ички бир қониқиш билан "чух, жонивор!" деди...

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

СОЙ ИЧКИДАГИ СИР

эди. Отни бир четга боғлаб, ўзи энгашганча, бедапоя томон юрди. Тўрни эҳтиёткорлик билан ёйиб чиқди. Сўнг бир четга ўтиб, кулоқ солди. "Ҳа, югуртма шу ерда экан", — ўйлади у. Чўнтагидан "киркий" деб аталадиган мосламани олди. Бу мослама бир қарашда ёғоч қошиқни эслатади. Уни оғзингизга солиб, кафтингиз билан чертсангиз овоз чиқаради. Ана шу овоз мода бедананикига ўхшайди. Назар ота киркини бир-икки чалган эди, беданалар бирин-кетин яқинлаша бошлашди. Боядан бери сайрамай турган "тоблама" бедана ҳаммасидан биринчи бўлиб етиб келди. Оқсоқолга эса бошқаси керак.

Назар ота яна бир-икки марта киркини чалган эди, "югуртма" ҳам бир зумда тўрга яқин жойга келиб олди. Оқсоқол ўтирган жойини ўзгартирди-да, яна мосламани чалди. Шунда "югуртма" бедана шундоққина тўр остида сайрай бошлади. Овчи бошидаги дўпписини олиб, тўр устига иргитди. Тўрнинг уч-тўрт жойидан беданаларнинг пориллаган овози эшитилди. Назар ота югуртма сайраётган жойни тахмин қилиб олгани учун ўзини ўша ерга олди. Тўрга илиниб қолган бедана кекса овчининг қўлида иложсиз қолди. Оқсоқол беданани қўлига олиб, ҳали у томондан, ҳали бу томондан қаради. Ўзича бир нималар деб, чўнтагидан кичкинагина латта халта олди. Ўлжани унга жойлаб, чопонининг ички томонига илгак билан илиб қўйди.

кўрсаммикин-а? Одатда отлар ўлик кўмилган жойни босиб ўтишмайди. Шундай экан, бу ерга бирорта одамни кўмиб қўйишган бўлишса-чи? Агар уни бир ўзим кавлаб олсам одамлар менга ишоншармикин? Балки, раисга айтганим маъқулдир? Э, йўқ. Раис ҳали замон ишга келмайди. Яхшиси, профилактика инспекторига бораман. У хонасида бўлса керак".

Инспектор отахонни кунт билан тинглаб, бир оз иккиланди. — Назар ота, нечта от минган одамни кўрган бўлсам, улар отнинг бу каби хусусияти борлигини айтишмаганди. Ишқилиб, адашмаяпсизми?

— Агар менга ишонмасанг, майли. Ўзим гўрков билан имомни олиб бораман. Биргаликда кавлаб кўрамиз.

У шундай дея ўрнидан турди.

— Шошманг, шошманг, мен ҳам бирга бораман.

Қишлоқнинг бир гуруҳ вакиллари профилактика инспектори иштирокида чол кўрсатган жойни кавлаб бошлашди. Ҳеч қанча кавланмасидан қандайдир қоп чиқди. Қопнинг сим билан боғланган оғзини очишди. Ичидан ўн-ўн икки ёшлардаги боланинг мурдасини чиқариб олишди-ю, ҳайратдан тош қотишди.

— Қишлоқ кичкина. Кимнинг боласи эканлигини аниқлаш қийин эмас, — ўзича хулоса чиқарди инспектор.

Аммо, қишлоқ аҳли жасадни танимади.

— Бу яқин атрофдаги қишлоқнинг боласи эмасов, — тахмин қилди Назар

билан боғлиқ воқеадан сўнг Назар ота ҳаловатини йўқотди. Чунки, жасаднинг эгаси топилмади. Назар ота бола қирғизистонликдир, деган фикрга келди. Боиси, сойнинг у томони Қирғизистон Республикасига қарашли Сузоқ туманининг Жийда қишлоғи эди. Оқсоқол кўнглидан кечаётган фикрларни ички ишлар бўлими ходимларига айтди. Тез орада Қирғизистонда ҳам қидирув ишлари бошлаб юборилди.

Орадан бир неча кун ўтиб, отахоннинг дарвозасини кимдир тақиллатди.

— Назар ота, ҳой Назар ота.

Узум хомтоқ қилаётган отахон профилактика инспекторини кўриб сергакланди.

— Тинчликми, болам?

— Сизни хотиржам қилиб кетай, дедим-да. Отингиз топиб олган мурданинг шахси аниқ-

қип яланғоч бегона эркак билан кўради. Шошиб ўрнидан турган бегона киши икки хатлаб боланинг олдига келади. Унинг тирсагидан маҳкам ушлаб, аёлдан сўради:

— Бу бола ким? Бу ерда нима қиляпти?

— Кўшним, — аранг жавоб берди аёл.

Талъат эса гуноҳ иш қилиб қўйгандек йиғлаб юборди. Ўзини ҳарчанд ташқарига урмасин, забардаст панжалар орасидан чиқа олмади.

— Уни қўйиб юборманг, ҳаммага айтади, — ялинди аёл.

Талъат бўлса овозининг борича додлаб, ташқарига интилди. Шунда бояги киши уни мушт билан бир урди. Оғзи-бурни қонга тўлган бола остонада ўтириб қолди.

— Шарманда бўлдим, энди ҳамма билиб қолади, — йиғлаб юборди аёл.

АНГ-САНО ҲАЁ ПАРДАСИ КЎТАРИЛМАСИН...

"Постда" газетасининг 15 апрелдаги 16-сонига эълон қилинган "Унсиз фарёд" мақоласини ўқиб, халқимиз "Аёл кишининг номаҳрам эркак билан бир жойда қолиши гуноҳ..." деган гапи ёдимга тушди. Шаҳнозанинг ёш бошига тушган кўргуликларга авваломбор унинг ўзи, тажрибасизлиги сабабдир. Ҳеч эътибор берганмисиз, аёллар даврасида бирон қиз бола ҳақида гап кетганда "Ўзига пишиққина-да...", — дея мақташади. Бу доим, ҳар ерда хушёр бўлади, қадамини ўйлаб босади, дегани. Умуман, ёшларга инсонларнинг гап-сўзига, ҳаракатига қараб уларнинг ички дунёсини билиб олишни ўргатмоқ зарур. Ёш қизни нотаниш эркаклар олдига олиб бориб, мажбуран спиртли ичимлик ичишга ундашнинг ўзи ноўрин. Фарзандларимизга одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатсак фойдадан холи бўлмайди. Масалан, қиз боланинг кўчада беҳудага юриши, айниқса, бегона эркак билан спиртли ичимлик қўйилган дастурхонда ўтириши айб-уят эканлиги Шаҳнозага ҳам

уктирилганда эди, у ўша хонадоннинг эшигиданоқ қайтиб кетган бўлар эди. Ҳозирги пайтда телесериалларни ёш болалар ҳам қизиқиб кўришмоқда. Чунки биз ота-оналар оддий сўз билан тушунтириб беролмаган, баъзан вақтимиз бўлмаган нарсаларни фильмлар жонли тарзда тушунтиради. Яқинда "Эсмеральда" фильми намойиш этилди. Қизим ундаги Аврорани "Нима қиларди суймаганга суйкалиб", — дея қоралади. Демак, қизим ҳозирданоқ ҳаётнинг ачиқ қисматларидан ўзини асраб қолиш учун руҳан тайёрланмоқда. Ёки бўлмасам, фильм орқали гиёҳвандлик, ичкиликзўлик ёмонлигини, бу иллатлардан эҳтиёт бўлиш кераклигини тушунишмоқда.

Хуллас, фарзандларимизни ўсмирлигиданоқ ҳаётга руҳан тайёрлаб боришимиз керак. Бунинг учун кўпроқ бадиий китоблар ўқитишимиз ва албатта, андишали, ибодил, ҳаёли қилиб тарбиялашимиз лозим.

Раъно МАҲМУДОВА, Тошкент шаҳри, "Сархумдон" маҳалласи.

Республика ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Бош бошқарма бўлим бошлиғи, ички хизмат подполковниги А. Раҳимовга онаси **ТОЖИХОН аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИБ Тиббиёт бошқармасининг "Зарафшон" санаторияси раҳбарияти ва шахсий таркиби санатория бош хамшираси Ш. Шамсиевага ўғли **ХУРШИДнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғи ўринбосари, милиция полковниги А. Аҳмедбоевга падари бузруквори **АКРАМ отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бекобод шаҳар ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Ф. Мадаминовга онаси **МУҲАРРАМ аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Янгийўл тумани ИИБ автотранспорт воситаларининг техник ҳолати, улардан фойдаланиш қоидалари ва меъёрларига амал қилишни назорат этиш бўлиминининг бошлиғи, милиция полковниги У. Абдурахимовга онаси **НАСИБА аянинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Республика ИИБ Тиббиёт бошқармасининг "Зарафшон" санаторияси раҳбарияти ва шахсий таркиби санаториянинг хамшираси **НИГОРА РАҲМАТОВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Сиз кутган учрашув



Хар бир инсон мухлис сифатида ўзи ёқтирган санъаткор ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишни истайди. Зухра Ашурова ана шундай халқ суйган, бетакрор, эл назаридаги санъаткорларимиздан бири. Қуйида актриса билан суҳбатимизни эътиборингизга ҳавола этамиз.

Аваллари газеталарда "Томошабин фикри" деган рукн бўларди. Унда томошабинлар ўз фикр-мулоҳазаларини матбуотда очиқ баён этишарди. Ҳозирда бундай чиқишлар камайиб кетди. Мухаррирларимиз шунга бир оз эътибор қаратишларини истар эдим. Чунки томошабиннинг фикри бизга жуда зарур. Бу актёрнинг шаклланишида жуда катта ёрдам беради.

— Албатта, бу фикрингиз назардан четда қолмайди, деб ўйлайман. Лекин ўзингиз актриса сифатида баъзи инсонларнинг театрдан узилиб

га шакллана боради. Буни сезган ота-она, аввало, фарзандининг маънавиятига эътибор бериш керак, деб ўйлайман. Цирк, музей, кўғирчоқ театрига, хиёбонларга олиб боришсин, фақатгина телевизор билан чекланиб қолмаслик керак. Кийим-кечак, тақинчоқлар харид қилиш учун қарз олиб бўлса-да, пул топамиз. Ойига уч-тўрт мартаба бозорга тушамиз. Лекин харид қилган нарсаларимизнинг ҳатто тўртдан бирига ҳам тўғри келмайдиган театрда чипта олгани оғринамиз. Атрофни кузатиб ўйлаиб қолсан, киши. Биз кичкиналимиз-

борларини кучайтиришларини жуда истар эдим.

— Юрагида дарди бўлмаган инсон ҳеч қачон санъаткор бўла олмайдими, дейишади. Сиз оғир ҳолатда қандай йўл тутасиз, кимга суянасиз?

— Биласизми, санъаткорнинг асаб торлари очиқ, яланғоч бўлади, дейишади. Сабаби биз жуда таъсирчанмиз. Сал нарсага хафа бўлиб йиғлаб юборамиз, арзимас нарсадан жуда қувониб кетамиз. Лекин юқорида ҳам таъкидладим: сахна — муқаддас жой. Бу ерда касалингиз ҳам, гам-андуҳингиз ҳам унутилади. Саҳна ҳатто бизни даволайди, десам муболага бўлмас.

"Юлдузли тунлар" асарида Хонзода бегим ролини ижро этганим. Асар матнида унинг укаси — Бобурмирзога қарата айтган шундай гапи бор: "Энг содиқ дўстингиз — мусаффо қалбингиздир. Сиз бу дўстингизга ишонинг, хоним". Мен ҳам, аввало, ўз қалбимга ишонаман. Ташвишли кунларимда онамга суянаман.

— Кўнглингизда айтолмай қолган гапларингиз ёки мухлисларингизга тилақларингиз бўлса, марҳамат.

— Синглим, фикримча, ушбу газетга кўпроқ ички ишлар идоралари ходимлари, демокриманки, эркаклар обунга бўлишади. Зарифа Эргашеванинг бир гўзал шеъри бор. Мумкин бўлса, суҳбатимизни шу шеърининг тўрт сатри билан якунласам:

Мўъжиза излайсиз —
кўнгли беэга.

Сарғайиб боради
сабрнинг юзи.

Нега англамайсиз,
кўрмайсиз нега?

Ахир, мўъжиза-ку
аёлнинг ўзи!

— Мазмунли суҳбатимиз учун ташаккур.

Суҳбатдош:

Гулжаҳон НУРИДДИНОВА.

«АХИР, МЎЪЖИЗА-КУ АЁЛНИНГ ЎЗИ!»

— Сиз асосан шарқона ла-тофат, мулоимлик, ишонувчанлик мужассамлашган аёллар образида томошабинлар қалбига кириб боргансиз. Ҳаётда ўзингизни қандай табиатли аёл деб ўйлайсиз?

— Энди институтни тугаллаб, ишга кирган пайларим жуда содда, ишонувчан, уятчан қиз эдим. Уша пайлар театримизнинг буюк даргалари — Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов, Сора Эшонтураева, Зайнаб Садриева, Икром Болтаева, Саъдихон Табибуллаевлар шу даргоҳда ижод қилишарди. Улар билан гаплашишнинг ўзи ҳаяжонли эди. Мендек бир ёш, тажрибасиз актрисанинг улар билан ёнма-ён сахнада роль ўйнашим жуда масъулиятли туюларди. Лекин уларнинг самимилиги, очиқ кўнглилиги мендаги кўрқув, ҳадикнинг тез йўқолишига сабаб бўлди. Устозлар камчилигимни кўнглига оғир ботмайдиган қилиб тушунтиришарди, маслаҳатлар беришарди.

Актёр роль ижро этишдан аввал ўша образини атрофдан қидиради, автобус, троллейбус, бозор, кўча-кўйда инсонларни кузатади. Йиллар ўтган сари замон сизни аста-секин файласуф қилиб қўяди. Энди инсонларга нисбатан ишонч ўрнига синувчан назар пайдо бўлади. Хар бир

нарса устида мулоҳазали бўлишга ундайди. Менимча шу сўзларим билан бир оз бўлса-да, ҳолатимни очиб бердим, деб ўйлайман.

— Келинг, энди театр, сахналаштирилаётган асарлар, мавжуд муаммолар ҳақида гаплашсак.

— Ҳозирги томошабинлар кўпроқ комедияларни қизиқиб кўришади. Лекин буюк алломаларимиз, тарихимиз билан инсонларни юзлаштирадиган пьесаларимиз бор. Масалан "Амир Темури", "Усмон Носир", "Гамлет", "Қирол Лир" каби асарлар.

Шу ўринда бир гапни таъкидлаб ўтмоқчиман. Театр — муқаддас даргоҳ. Унинг тупроғи оғир. Саҳнани осонликча ташлаб кетиб бўлмайди. Бир келган одам унга боғланиб қолади. Шундай мухлисларимиз бор — улар ҳеч қайси премьерани қолдирмасдан томоша қилишади, фикрларини билдиришади. Яна бир гап.



Зухра Ашурова Ўзбекистон халқ артисти Гўйчи Оринов билан.

қолишига нима сабаб бўлади, деб ўйлайсиз?

— Хар бир инсоннинг ўзига хос ички маданияти бўлади. Бу маданият болаликдан, илк бор расмли китобларни қўлига олиб арақлай бошлаганида, эртак тинглаганида унинг дунёқараши, фикрлаш қобилияти билан бир-

да дугоналаримиз, дўстларимизга ўқиган китобларимиз билан мақтанар эдик. Ҳозир-чи? Кўпчилик янги кийими билан мақтанарди. Тўғри, буюк алломаларимиз, тарихимиз тўғрисида фильмлар бор, лекин кино бошқа, китоб бошқа. Мен ота-оналарнинг фарзандларига шу тарафлама эъти-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ КУНДУЗГИ АДЬЮНКТУРАГА ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

— давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи;
— давлат ҳуқуқи ва бошқарув; маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ;
— жиноят ҳуқуқи ва криминология, жиноий жазони ижро этиш ҳуқуқи;
— жиноят жараёни, криминалистика ва тезкор қидирув ҳуқуқи; суд экспертизаси.

Кундузги адыюнктурага ички ишлар идораларининг юқори ва ўрта бошлиқлар таркибидаги ёши 30 гача бўлган шахслар қабул қилинади.

Адыюнктурага номзодларни танлаш ички ишлар идоралари (муассасалари) томонидан олий юридик маълумотли (юридик соҳа магистри дипломига эга бўлишлари шарт), илмий тадқиқот ишларига иштиёкли ва танлаган ихтисослиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган иш стажига эга ходимлар орасида ўтказилади.

Адыюнктурага кирувчи шахс танлаган илмий ихтисослигини кўрсатган ҳолда билдирги беради.

Танловни ўтказувчи орган хар бир номзод бўйича Академияга қуйидаги ҳужжатларни жўнатади:

- 1) номзоднинг шахсий ҳужжатлари йиғмажилди;
- 2) номзоднинг ўқув ҳужжатлари йиғмажилди. Унда қуйидагилар бўлиши керак:
 - 1-шакл бўйича маълумот (кадрлар бўлими томонидан тасдиқланган ҳолда);
 - кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа (фотосурати билан);
 - таржимаи ҳол;
 - хизмат тавсифномаси-йўлланма;

— гувоҳнома учун 4x6 ҳажмидаги иккита рангли фотосурат;
— олий ўқув юртини тугатганлиги ҳақидаги дипломнинг тасдиқланган нусхаси ва синов варақаларидан кўчирма;
— соғлиги ҳақида маълумотнома;
— нашр этилган илмий ишлари, кашфиётларининг рўйхати, илмий тадқиқот ишлари ҳақида ҳисобот. Улар бўлмаса, танлаган ихтисослиги бўйича ҳажми 15-20 саҳифадан (компьютерда 1,5 ораликда) иборат бўлган илмий реферат (маъруза);

— олий ўқув юртини тугатиб, адыюнктурага кирмоқчи бўлган шахслар учун олий ўқув юрти Илмий кенгаши мажлисининг баённомасидан кўчирма;
— номзодлик имтиҳонларини топширган шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан белгиланган 2.2-шаклда номзодлик имтиҳонларини топширганлиги тўғрисидаги гувоҳномани тақдим этадилар.

Олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги дипломнинг асл нусхасини эса адыюнктурага кирувчининг шахсан ўзи кўрсатади.

Фалсафа, чет тили ва мутахассислик бўйича имтиҳонлар 2004 йилнинг сентябрь ойи мобайнида ўтказилади.

Ҳужжатлар 2004 йил 1 августгача қабул қилинади.

Маълумот учун телефонлар: 65-23-59; 133-78-45; 139-71-55.

Академия манзили: 7000197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

КРИПТОГРАММА				1. Амир Темури давлати пойтахти.	2. Матонат, 3. Юнон харфи.	4. Овдаги мўъжиза, 5. Хайрон.	6. Жўззах висоятдаги дарё.	7. Ернинг сув ҳавзасига кирган қисми, 8. Самолёт.	9. Интизор, 10. Тилли кураш.	11. Мағнатик мўъжизага нисбатан шароити.	12. Топон, 13. Ичкилик.	14. Қасам, 15. Арманiston қўли.	16. Сабога учиб техникаси.
3	11	8	-										
7	12	2											
10	5	1	-										
4	5	9	6										
1. Клавишди мусиқа асбоби.				1									
2. «Комедия отаси», юнон ижодкори.				2									3
3. Дуккакли дои, 4. Эркак пами.								4					
5. Поён, 6. Қумуш, 7. ...тор.						5							
8. Бўёк, 9. Европадаги пойтахт, 10. Рус шоири.									6				
11. Ҳаёт асоси, 12. Қон сўрувчи, 13. Боғловчи.										7			
14. Юқори сифат, 15. Дарё, 16. Туркия қўли.						8							9
17. Дарё бўйи шахри, 18. Америкадаги тоғ.					10								
19. Қалб, 20. Вилоят шахри, 21. Пул бирлиги.							11						12

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНING ЖАВОБЛАРИ:

Кроссворддаги энига ёзилдиган номлар: 1. Зоҳидов. 2. Собитов. 3. Бакиров. 4. Хабибий. 5. Қодирий. 6. Девонов. 7. Болтаев. 8. Фуломов. 9. Воҳидов. 10. Сафаров. 11. Беруний. 12. Собиров. 13. Қуватов. 14. Ҳамроев.

Криптограмманинг очкич сўзлари: I. Ном. II. Қадрлаш. III. Бобур. IV. Ёднома. V. Май. VI. Хотира. VII. Зиёрат. VIII. Гул. IX. Яқшанба.

Криптограммада яширилган ҳикमत: Кимнинг яши номи қолмиш дунёда, Ул абадий тирик, умри зиёда.

Диагонал қаторлардаги милиция генералларининг номлари: Зокиров, ҒОҒУРОВ.

Хусров ДЕҲЛАВИЙ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ БИРЛАШГАН ТАҲРИРИЯТИ

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir Shuhrat MURODOV

Nashr uchun mas'ul Erkin SATTOROV

Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV

Navbatchi Qobiljon SHOKIROV

Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinosari 139-75-69. Kotibiyat 139-73-88. muxbirlar bo'limi 139-77-23, 59-27-15. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.

E-mail: urmyd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000709447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN. Buyurtma J-000220. Hajmi — 4 bosma taboq. Bosilish — ofset usulida. 52221 nuxxada chop etildi.

● Ko'chirib bosishda «Postda» dan olinganligini ko'rsatish shart
● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.
● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180. Tashkilotlar uchun — 366. Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi. Boshiga topshirish vaqti — 20.00. Boshiga topshirish — 20.00.

Toshkent matbaa kombinatida chop etildi.

Korxonaning manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Internet va xorijiy matbuot vositalarini asosida tayyorlandi.